

**ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ АХБОРОТ ТЕХНОЛОГИЯЛАРИ ВА  
КОММУНИКАЦИЯЛАРИНИ РИВОЖЛАНТИРИШ ВАЗИРЛИГИ**

**ТОШКЕНТ АХБОРОТ ТЕХНОЛОГИЯЛАРИ УНИВЕРСИТЕТИ  
ФАРҒОНА ФИЛИАЛИ**

**ГУМАНИТАР ВА ИЖТИМОЙ ФАҢЛАР КАФЕДРАСИ**

# **СОЦИОЛОГИЯ**

**фанидан семинар машғулотлари учун**

**Услубий кўрсатма**



**Фарғона - 2015**

*Ушбу Социология фанидан семинар машғулотлари учун услубий кўрсатма бакалавр таълим йўналишларининг барча йўналишлари учун мўлжалланган. Унда социология фанининг долзарб мавзулари тўғрисида тушунча берилган. Шунингдек, таянч иборалари, муҳокама учун саволлар келтирилган.*

Тузувчи: катта ўқитувчи Ў.Каримов

Такризчилар: доцент А.Қамбаров(ФарДУ)  
доцент Н.Усмонов(ТАТУ Фарғона филиали)

«Гуманитар ва ижтимоий  
фанлар» кафедраси йиғилишида  
кўриб чиқилган ва тасдиқланган  
Баён № \_\_\_\_ 2015 й.

Филиал илмий-услубий кенгашида  
кўриб чиқилган ва чоп этишга  
тавсия этилган  
Баён № \_\_\_\_ 2015 й.

## Кириш

Ўзбекистоннинг мустақилликни қўлга киритиши, жамиятнинг иқтисодий, сиёсий ва маънавий соҳаларини тубдан ислоҳ қилиш республикамиз олий ўқув юртларида «Социология» фанини ўрганишни тақозо этади.

Социология бошқа ижтимоий-гуманитар фанлар тизимида ўзига хос ўринга эга бўлиб, жамиятни бир бутун тизим сифатида ҳамда ижтимоий муносабатларни ва шахс хулқ-атворини аниқ шарт-шароит билан боғлиқликда ўрганувчи ягона фандир. Социология инсонни ижтимоий гуруҳ вакили сифатида, ижтимоий мақом ва муайян ижтимоий ролни ифодаловчи сифатида ўрганади.

Шахс ёки гуруҳ олдида турган муаммолар у ёки бу даражада инсоний муносабатлар характери, атрофдагилар билан ҳамкорликда яшай олиш, қад-риятларга ва ахлоқий меъёрларга таяниш, уларни сақлаб қолиш, мурасага киришиш ёки мураккаб низоли вазиятларни ҳал қилиш билан узвий боғлиқ бўлади. Инсон олдида турган муаммолар қанчалик мураккаб бўлса, уларни ҳал қилишда шахснинг ўзини англаб етиши, ўзи яшаётган жамиятни чуқур ва атрофлича билиши шунчалик катта аҳамият касб этади.

Мутахассислар ўз соҳаларини билишлари билан бир каторда одамларнинг қизиқишлари, манфаат ва интилишларини, ижтимоий муносабатлар билан яқиндан таниш бўлиши керак. Чунки улар асосида ижтимоий гуруҳлар, жамият ва умуман, бутун дунё ҳамжамияти шаклланади. Социологияни билиш мураккаб ижтимоий тизимларни, ижтимоий институтларни таҳлил қилишга тажриба ва билим билан қуролланиб, ҳаётни ўрганишга ёрдам беради.

Социологик тафаккур орқали эса ижтимоий ҳаётни илмий баҳолаш ва объектив ахборот олиш мумкин.

Мутахассислар қай бир соҳада ишламасинлар, ўз фаолиятларининг ижтимоий оқибатларини эътиборга олишлари керак, бу эса социологик тафаккурни талаб қилади. Ўзбекистон мустақилликка эришгандан кейингина социология фанига объектив муносабат вужудга келди. Ижтимоий ҳаётнинг барча соҳаларини ўрганиш, ижтимоий муносабатларни, жамият тараққиётини ва унда шахслар, ижтимоий гуруҳлар ҳамда ташкилотларнинг хулқ-атворини тадқиқ қилишга барча шароит яратилди.

## **1-мавзу: Социология фан сифатида.**

### ***Режа:***

- 1. Социология атамаси, предмети ва объекти.*
- 2. Социологиянинг ижтимоий фанлар тизимидаги ўрни.*
- 3. Социологиядаги асосий йўналишлар.*

1. Социология латинча (“*societas*” - жамият) ва грекча (“*logos*” - таълимот) сўзларидан келиб чиққан бўлиб, жамият ҳақидаги фан маъносини англатади. Жамиятни тушуниш, англаш, унга нисбатан сўз муносабатини билдиришга тенг бўлиб инсониятнинг ҳамма тарихи учун хос бўлган. “Социология” ҳақидаги тушунча биринчи мартаба француз файласуфи Огюст Конт томонидан илмий қўлланишга киритилган.

Унинг тушунишича социология жамиятга тааллуқли бўлган ҳамма нарсаларни ўз ичига олган жамиятшунослик билан бир қаторда турган.

Социологиянинг асосчиси француз мутафаккири О. Конт социологияни жамият ҳақидаги тажрибага асосланган фан деб ҳисоблайди. Э. Дюркгейм социологиянинг предметини социал далиллар ҳақидаги фан деб атайди.

Социология жамият ҳақидаги фандир. Социология жамиятнинг мураккаб ижтимоий организми сифатида талқин қилинган. Социологик тафаккурнинг муҳим жиҳатлари. Социология тўғрисида О.Конт, П.Сорокин, Э.Дюркгейм, М.Вебер, Т.Парсонсларнинг таърифлари. Социологиянинг мавқеи, роли ва ўрнининг назарий ва амалий асослаб берилган.

2. Социология фанининг соҳавий тизимлари ва ижтимоий фанлар тизимидаги ўрни, унинг фанлараро тадқиқотларни уйғунлаштиувчи мавқеининг умумий таснифидир. Социологиянинг фалсафа билан узвий алоқаси шунда кўринади-ки, умумсоциологик назариялар ва амалий социологик тадқиқотлар маълум методологик асосга таянадилар. Шундай асосни эса фалсафа фани яратади. Социология фалсафага нисбатан мустақилликни шунга асосланиб эълон қилади-ки, у ўз олдида ижтимоий

муаммоларни воқеликни илмий, англаш усули асосида ҳал этиш вазифасини кўяди.

Социология статистика фани билан ҳам мустаҳкам алоқада ривожланади. Бу икки фаннинг ўзаро алоқалари шу қадар яқинки, социологиянинг ривожланиши статистик ёндашувларсиз тасаввур қилиш қийин. Социология шунингдек, иқтисодий назария, бошқарув назарияси, тарих, педагогика, ҳуқуқшунослик, сиёсатшунослик каби фанлар билан ҳам мустаҳкам алоқада ривожланади.

3. Социология фанининг махсус назарияларга асосланувчи йўналишлари асосан қуйидагилардан иборат:

1. Ижтимоий онг шакллари (дунёқараш, илм-фак, санъат, маданият, ахлоқ, ҳуқуқ, психология, дин) социология.

2. Ижтимоий фаолият шакллари (меҳнат, турмуш тарзи, ҳордиқ, ижтимоий-сиёсий фаолиятлар) социология.

3. Аҳоли ва халқлар (демография, этнография, миграция, лингвистика ва ҳ.к.) социологияси.

4. Ижтимоий тараққиёт (жамият ва жамоа назарда тутилмоқда), ижтимоий ўзгаришлар, ижтимоий тузилишлар социологияси.

5. Ижтимоий институтлар (оила, мурувват уйи ва ҳ.к.) социологияси.

6. Ижтимоий гуруҳлар (қуролли кучлар, ёшлар, пенсионерлар, аёллар ва ҳ.к.) социологияси.

7. Оммавий ахборот воситалари (матбуот, радио, телевидение), жамоатчилик фикри социологияси.

8. Сиёсат социологияси (давлат, халқаро муносабатлар, миллий ҳаракатлар ва ҳ.к.).

9. Жой ва муҳит социологияси (регионлар, шаҳарлар, қишлоқлар, экология ва ҳ.к.).

10. Шахсни шакллантириш социологияси (таълим, тарбия, спорт ва ҳ.к.)

## 11. Касблар социологияси (муҳандислик, тиббиёт ва ҳ.к.).

Ҳозирги замон социологик тармоқлар тизимида жамоатчилик фикри социологияси муҳим ўрин тутди ва катта аҳамиятга эгадир. Жамоатчилик фикри социологияси ижтимоий ҳаётдаги барча соҳалар ва умумназарий, методологик ва хусусий социологик мактаблар билан бевосита боғлиқликда иш тутди.

Шундай қилиб, мураккаб умумий ва хусусий социологик фанлардан иборат бўлган замонавий социология тизими кўплаб ижтимоий-гуманитар фанлар билан кенг алоқаларни тақозо этади. Бу алоқалар ҳам умумметодологик босқичда, ҳам махсус хусусий фанлар ва илмий йўналишлар бўйича олиб борилади, бу эса унинг замонавий ижтимоий-гуманитар фанлар тизимидаги ўрнини аниқлаб беради.

### **Таянч иборалар:**

Социология, жамият, шахс, метод, функционал таҳлил, структура, эмпирик билиш, тадқиқот, фундаментал социология, социометрия.

### **Мустаҳкамлаш учун саволлар:**

1. Социология фани нимани ўрганади?
2. Социология қандай таркибий тузилишга эга?
3. Социология фанини қайси фанлар билан боғлаб ўрганиш мумкин?
4. Социологик қонунларни изоҳлаб беринг.
5. Социологиянинг ижтимоий вазифалари нималардан иборат ?

### **Адабиётлар.**

1. Н.Алиқориев. Умумий социология. Тошкент, ТошДУ, 1999й.
2. М.Бекмуродов. Социология асослари. Тошкент, “Фан”, 1994й.
3. А.Бегматов. Социологияга кириш. Андижон, 1995 й.
4. А.Холбеков, У.Идилов. Социология. Луғат. Тошкент. “Ибн Сино” , 1999й.

5. М.Бекмуродов ва бошқ. Социология. Тошкент, 2002 й.
6. Э.Гидденс. Социология. Тошкент, 2002.
7. Н.Абдуллаев. Социология. Маърузалар матни. ФарДУ, 2007 й.

## **2-мавзу: Жамият социал структураси ва стратификацион жараёнлар.**

### *Режа:*

1. *Ижтимоий страталар назарияси ва уни ўрганиш тарихидан.*
2. *Ўзбекистон ёшларининг стратификацияси.*
3. *Ёшлар социологияси тушунчаси ва унинг таснифий белгилари.*

1. Жамият таркибида синфлар, страталар, ижтимоий гуруҳларнинг бўлиши, жамиятда турли хил табақалар тузиш, ҳар бир сиёсий-тарихий даврда аҳолини зодагоилар ва қулларга (Миср, Вавилон), фуқаролар ва плебейларга (Афина ва Рим), брахман ва хизматкорларга ажратиш (Ҳиндистон) орқали бошқариш тажрибалари инсоният тарихидан маълумдир. Қадимги Турон мамлакатада асосан аҳолининг а) уруғ-қабилавий келиб чиқишидан; б) касбий мансублиги; в) диний-этиқодий қарашлари ва ниҳоят; г) шажаравий-сулолавий келиб чиқиши эътиборга олган ҳолда тасниф этиб келинган.

Турон тарихидан маълумки, жамиятни ана шундай тасниф этиш ҳар бир ижтимоий гуруҳ, стратанинг сиёсий-ижтимоий ўрни ва ролини объектив белгилаш, улардан самарали фойдаланиш, умумдават миқёсида уларнинг муросавий консенсусини таъминлаш, сиёсий бошқариш имконини берган.

Жамиятни ўрганиш тамойиллари, ижтимоий-иқтисодий воқеликка ёндошув хусусиятлари доимий равишда ўзгариб, такомиллашиб боради. Тоталитар тузум даврида ижтимоий тараққиётнинг бош сабаби синфлараро кураш деб қаралганлиги сабабли жамиятдаги муаммоларга умумий ёндошиб, бир синф вакиллари билан иккинчи синф вакиллари қарашларидаги тафовутни аниқлаш барча ижтимоий фанлар, хусусан, социологиянинг ҳам асосий илмий

тадқиқот тамойилларидан ҳисобланиб келинган. Жамиятнинг тинчлик шароитида мўътадил ва одатий ҳолатлардаги барча ижтимоий зиддиятлари асосан муайян синфлар, гуруҳ ва табақалар ичидаги карама-қаршиликлар тарзида намоён бўлиб келади. Ижтимоий гуруҳлардаги табиий амал қилиш ҳолати бўлган ички, ботиний муаммо ва зиддиятларнинг синфлараро зиддиятларга кўчиши, яъни бир гуруҳ зиддиятларнинг бошқа гуруҳлар томонидан ўзлаштирилиши, зиддиятларнинг ижтимоийлашуви умумжамият катаклизмига, синфлараро, давлатлараро урушларга олиб келган.

Жамиятни стратификацион тасниф этишга муҳолиф кучлардан бири сифатида маълум бўлган Покистон, Бангладеш, Ҳиндистонда амал қилаётган А.А. Мавлудий асос солган «Жамоати Исломия» уюшмаси аҳолининг ирқий, миллий ва тиллари борасидаги тенглигини эътироф этган ҳолда, улар таркибида синфлар, ижтимоий қатламлар, ижтимоий гуруҳлар мавжудлигини инкор қилади. А.А.Мавлудий тарафдорлари ҳар қандай демографик, ижтимоий, интеллектуал ва ҳиссий бўлинишлар сунъий моҳиятга эга бўлиб, исломий яқдилликка эришиш йўлида уларни эътиборга олмаслик лозимлигини уқтирадилар.

Платон жамият таркибини амалий жиҳатдан уч йирик гуруҳга ажратади:

- 1) файласуфлар, элита вакилларидан иборат бўлиб, давлат ва жамият бошқарувида асосий ўрин тутувчилар;
- 2) ҳарбийлар
- 3) куллар (жамиятда бирор-бир фуқаролик ҳуқуқларига эга бўлмайдиганлар).

Платон илгари сурган нуқтаи назарга кўра, стратификацион тасниф азалдан муқаррар нарса бўлиб, унинг чигал тамойиллари ижтимоий вазиятларга кўра ўзгариб боради.

Платондан фарқли, Аристотел тартибсизликлардан вужудга келадиган оламий уйғунликка бирмунча ўзига хос ёндашади ва уни жондаги манба эмас, балки фақат нарсалар табиатидаги манба, деб чекланади.

Хуллас, антик давр ва ўрта аср алломалари нуқтаи назарларидан келиб чиққан ҳолда шуни қайд этиш мумкинки, кишилараро боғлиқлик ва ўзаро алоқадорликни ифодаловчи стратификацион тасниф, бир томондан, илоҳий мукамалликнинг иникоси сифатида намоён бўлса, иккинчи томондан, ўзида объектив борлиқнинг хоссаларини ифодалайди. Бу хосса объектив, реал борлиқ ва илоҳиёт қонунларининг боғлиқлигидан иборат бўлиб, унинг зиддият, симметрия, ритм, тадрижийлик, яхлитлик, тизим ва тузилма каби тушунчаларида ўз аксини топади.

2. Инсоният тарихида страталар халқнинг маданий такомиллашганлик белгилари сифатида ҳам баҳоланиб келинган. Хусусан, гиламдўзлар, дўппидўзлар, темирчи-чилангарлар, боғбонлар, меъморлар, хаттотлар ва бошқа касбий страталар муайян меҳнат фаолияти орқали нафақат ўзига хос иқтисодий-ижтимоий ҳаёт йўриғини амалга оширганлар, балки ўз қавмлари сирү-синоатларининг ўзгалар мулкига айланмаслиги, эришилган комиллик қадриятига путур етмаслиги хусусида ҳам қайғўрганлар.

Страталарни ўрганиш халқимиз таркибидаги ранг-барангликни аниқлаш имконини беради, зеро, ўз тарихини авлод-аждодлари китобига киритган, шажаравий тизимни ёзиш анъаналари соҳиблари — саййидлар, эшонлар, сўфийлар, подшоҳзодалар, хўжалар умуман олганда, миллатимиз ўтмишини ҳам акс эттирганлар. Халқимиз ўз страталарини ҳимоя қилиб ҳам келган, зеро, бу ҳимоя нафақат қавмлар, шаклланган касб ва ижтимоий гуруҳлар мавқеини муҳофаза этиш шаклларида, балки ахлоқий ёндашувлар тизимини, турмуш тарзи яхлитлигини, халқ урф-одат ва анъаналарини сақлаш учун кураш лавҳаларида ҳам намоён бўлиб келган. Масалан, ўзбек халқи бутун яхлитлигича эркаклар ва аёллар

стратасига бўлинади. Ўзбек аёллари ўзбек эркакларидан бир макон ва бир замонда истиқомат қилишларидан қатъий назар, турмуш тарзи, фаолият йўналишлари, эстетик қарашлари ва урф-одатларига кўра маълум даражада ажралиб турадилар.

Ўзбек халқи страталарининг таркиби ва тизими таҳлили этно-регионал хусусиятларни ҳам ҳисобга олади. Маълумки, ўзбек халқи тарихан шаклланган 92 уруғ-этноэлемент маҳсулидир, Бу этно — тасниф таркибидаги ҳар бир уруғ, хоҳ у манғит бўлсин (ХВИИ-XX асрларда ҳукмдорлик қилган Бухоро хоилари манғитлар уруғидан бўлган), хоҳ у барлос бўлсин (темурийлар барлос уруғидан бўлган) ёки қўнғирот (Алпомиш қўнғирот уруғидан бўлган), ёвмит (баъзи Хива хоилари ёвмит уруғидан бўлган) бўлсин, алоҳида стратификацион тадқиқот талаб этувчи этник бирликлардир. Мазкур уруғларнинг ижтимоий-тарихий ўрни таҳлил этилганда, унинг нафақат ўзбек халқи этногенезисини ўрганишдаги аҳамияти ойдинлашади, балки унинг умумтуркий макроэтносида тутган тарихий ўрни ва ижтимоий мавқеи юзага чиқади.

Ўзбекистонда кенг тармоқли яхлит стратификацион тадқиқот ишларини амалга ошириш зарурияти ва долзарблиги бугунги кунда ўзбек халқи миллий ўзлигини тўғри идрок этиш, миллий менталитет имкониятларидан самаралироқ фойдаланишга йўл очади. Ўзбекистон ижтимоий жараёнлар таркиби ва тизимини характерловчи ўн иккита стратификацион тизимлар типини ажратиш кўрсатиш мумкин. Улар қуйидагилар:

- ижтимоий-касбий таснифга кўра типлар;
- кавм-сулолавий асосларга кўра типлар;
- маданий-эстетик даражаларга кўра типлар;
- ёш даврларига кўра типлар;
- жинсий таснифга кўра типлар;
- этно — ҳудудий типлар;
- диний — конфессионал типлар;

- партиявий ва эътиқодий фарқларга кўра типлар;
- уруғ-қабилавий типлар;
- муайян манфаатлар доирасида уюшган корпоратив типлар;
- ҳуқуқбузарликка мойилликка кўра типлар;
- маданий-рамзий интилишларга, қизиқишларга кўра аҳоли типлари.

Ўзбекистондаги ижтимоий стратификация жараёнларини ўрганишда конкрет социологик тадқиқот методлари, хусусан, анкета, интервью, тест, ҳужжатларни ўрганиш усулларига реал ҳолатлар тақозоси асосида ёндашилади ва улар орқали олинган бирламчи маълумотлар контент-анализ усулида қайта ишланади. Шунингдек, тадқиқот давомида илмий-амалий экспедициялар уюштириш, регионларнинг баобрў кишиларидан иборат экспертлар гуруҳи фикрларини тўплаш. Давлат статистика қўмитаси манбаларидан фойдаланиш ҳам кўзда тутилади.

3. Ўзбекистон демографик хусусиятига кўра ёшлар мамлакати ҳисобланади. Ўзбекистон ўз истиқболини ёшларда кўриши социолог олимлар олдига ҳам улкан вазифаларни қўядики, бу шарафли юмуш жамиятимиздаги муҳим ижтимоий қатламнинг ижтимоий қиёфаси, тавсифини, феъли, орзу-ниятлари ҳақида доимо бохабарликни таъминлашдан ташқари улар фаолиятини оптималлаштириш, эзгуликка йўналтириб туриш, охир оқибатда эса баркамол авлодни тарбиялашга ҳисса қўшишдан иборатдир.

Ёшларнинг интеллектуал-руҳий камолоти уларнинг маънавий ўз-ўзини англаши жараёнлари билан бевосита боғлиқдир. Айниқса, бозор иқтисодиёти шароитида ёшлар характерида ижтимоий идеалларнинг сусайиб кетишига йўл қўймаслик муҳимдир.

Ёшларнинг миллий ўзлигини англаш шароитида улар ижтимоий манфаатларини ўрганиш ҳамда назарий жиҳатдан тадқиқ этиш муҳим аҳамиятга эга бўлиб, булар қуйидагилардир:

— фикрлар ҳилма-хиллиги нуқтаи назаридан мустақиллик шароитида ижтимоий манфаатлар мавжуд концепциялар орқали таҳлил этилади ва замонавий шароитларга хос бўлган қарашлар тарзида ифодалаб берилади;

— ижтимоий манфаатларнинг жамият тараққиётидаги ўрни, аҳамияти ҳамда замонавий сиёсий жараёнларда сиёсий ва иқтисодий манфаатларни ўзаро уйғун тарзда ўрганади;

— ижтимоий манфаатлар моҳияти, мазмуни ҳамда жамият ривожига ўрни масалаларини социологик жиҳатдан таҳлил этади;

— жамиятда этносиёсий жараёнларни таҳлил этиб, уларнинг миллатлараро муносабатларга таъсирини ҳамда миллий манфаатлардаги ўрнини кўрсатади;

— этник манфаатларнинг ижтимоий тараққиёт ва жамият ривожигаги воқеа-ҳодисаларга ўзаро алоқадорлик диалектикасини ўрганиб, ушбу жараённинг жамият тараққиёти билан боғлиқ хусусиятларини таҳлил этади;

— жамиятда ижтимоий-сиёсий, иқтисодий ва маънавий омилларнинг ижтимоий манфаатларига таъсирини ўтказади;

— ҳозирги даврда ижтимоий тараққиётга хос жараёнлар ривожига этник манфаатларнинг ўсиб, миллий ва умуминсоний мазмун касб этиш хусусиятларини назарий тадқиқ этади.

Социология фани ёшларни жамиятдаги ижтимоий ва руҳий-ўзига хос ҳолатга эга бўлган йирик ижтимоий гуруҳ сифатида ўрганади. Бундай ҳолис ёндашув натижасида уларнинг нафақат ёшдаги тафовутлари, балки иқтисодий фарқли жиҳатлари, феъл-атвор типлари, шунингдек, ижтимоий-сиёсий мавқеи ҳам ўз ифодасини топади.

Ёшлик — бу ахлоқий идеални излаш, мақсадларни ва ҳаётий позицияни шакллантириш, касб танлаш, оилавий ҳаётга тайёргарлик палласидир. Ҳаётга қадам кўяётган йигит-қизлар учун улар фаолияти ижтимоий фойдали бўлишигина эмас, балки бу фаолият ўз шахсий

мақсадларига, интилишларига мувофиқлиги, ҳаёт режаларининг амалга ошишига мумкин қадар тўлароқ кўмаклашиши ҳам ғоят муҳимдир.

### **Таянч иборалар:**

Страта, жамият, стратификацион жараён, структура, ёшлар социологияси, ёшлик, ахлоқ, ижтимоий ҳаёт, жамият тараққиёти, деморафик хусусият, аҳоли

### **Такрорлаш учун саволлар**

1. Ижтимоий страталар назарияси ва уни ўрганиш тарихи.
2. Ижтимоий страталар концепциясининг таснифи.
3. Ижтимоий страталарнинг хиллари.
4. Ёшлар социологияси тушунчаси.
5. Ёшлар социологиясининг таснифий белгилари.
6. Ёшлар социологиясининг фанлар билан боғлиқлиги

### **Адабиётлар:**

1. Ислом Каримов. Ўзбекистон ХХИ аср бўсағасида: хавсизликка таҳдид, барқарорлик шартлари ва тараққиёт кафолатлари. Т. Ўзбекистон, 1997 й.
2. Ислом Каримов. Озод ва обод Ватан, эркин ва фаровон ҳаёт - пировард мақсадимиз. Т. «Ўзбекистон», 2000й.
3. Баркамол авлод - Ўзбекистон тараққиётининг пойдевори. Т. «Шарқ», 1997й.
4. Н.Алиқориев ва бошқ. Умумий социология Т. Тош.ДУ 1999й.
5. А.Холбеков. Социология. Луғат. Т. Ибн Сино нашриёти 1999й.
6. Н.Жўраев. Тарих фалсафаси, Т. «Маънавият» 1999 й.
7. Э.Гидденс. Социология. Ўқув қўлланма. Т. «Шарқ», 2002 й.

### **3-мавзу: Шахс социологияси ва девиант хулқ-атвор.**

#### ***Режа:***

- 1. Шахс социологияси.*
- 2. Социологияда шахс тушунчаси ва унинг мазмун-моҳияти.*
- 3. Девиант хулқ-атвор социологияси.*

1. Ҳар қандай ижтимоий тизимнинг бўлаклари одамлар ҳисобланади. Одамларнинг жамиятга киритилиши турли бирликлар орқали амалга оширилади. Ҳар бир аниқ шахс социал гуруҳлар, социал институтлар, социал ташкилотлар жамиятда қабул қилинган қоида ва қадриятлар тизими, яъни маданият орқали гавдаланади. Шунга мувофиқ инсон кўп социал тизимларга тортилган бўлиб, уларнинг ҳар бири унга шакллантирувчи таъсир кўрсатади. Шундай қилиб, одам фақат социал тизимнинг бўлаги бўлибгина қолмай, унинг ўзи ҳам мурқаб тузилмали тизимда акс этади. Социология шахсни барча хилма-хилликдаги мажмуида эмас, яъни табиат маҳсули сифатида эмас, балки ижтимоий муносабатлар йиғиндиси, жамият маҳсули сифатида қараб чиқади. “Жамиятни ислоҳ қилиш ва янгилаш бўйича кўп қиррали фаолиятимиз марказида инсон, суверен Ўзбекистоннинг фуқароси туради. Ислоҳотларнинг мазмуни айна ҳар бир фуқаро ўз қобилиятини, ўз истеъдодини намоён этишига, шахс сифатида ўзини кўрсатиш имкониятига эга бўлишига қаратилган”<sup>1</sup>.

Шахс социал ўзаро таъсир ва муносабатларнинг бирламчи омили бўлиб ҳисобланади. Шу жиҳатдан қараганда шахснинг ўзи нима? Бу саволга жавоб бериш учун, аввало, “инсон”, “индивид”, “шахс” тушунчаларини бири-биридан фарқлаб олиш керак. “Инсон” тушунчаси, умумий, ҳамма учун хос бўлган сифат ва қобилиятини изоҳлаш учун қўлланилади. Бу тушунча дунёда мавжуд бўлган, тарихан ўзига хос шундай ривожланаётган бирликки, инсониятни англаиб, у бошқа ҳамма моддий тизимлардан фарқли ўлароқ ўзига хос ижтимоий фаолият усуллари билан фарқ қилади.

---

<sup>1</sup> Каримов И.А. Ватан саждагоҳ каби муқаддасдир. Т.3. – Т.: «Ўзбекистон», 1996, 352–353-бетлар.

2. Шахс фаолияти деганда, унинг ички ва ташқи тенденцияларининг ижтимоий ҳаётда намоён бўлиши хусусиятларига айтилади. Ижтимоий фаоллик инсон шахс сифатидаги даражасининг асосий ифодаси бўлиб унинг юксак кадриятли эҳтиёжларини кондиришлари ва сифат кўрсаткичдир. Демак, ижтимоий фаоллик шахснинг муҳим сифатидир.

Шахс фаоллиги деб, унинг ҳаётини бошқариш билан, боғлиқ бўлган ва кадриятларининг номоён бўлиш хусусиятларига айтилади. Ижтимоий фаоллик инсон шахси сифати даражасининг асосий ифодаси бўлиб, унинг юксак кадриядаги эҳтиёжларини кондириш усули ва сифат кўрсаткичидир. Шу жиҳатдан шахс фаолияти социологияда кенг ва кичик (тор) ижтимоий даражаларда ўрганилади. Шахснинг бундай даражаларда ўрганилиши методологик аҳамият касб этади.

Шу боисдан ҳам шахс социологиясини ўрганиш Ватан, халқ фарзанди, ҳақиқий чин инсонга хос бўлган шахс даражасига етишини англаб олишимизга ёрдам беради. Ватанни севиш, Ватан фарзанди бўлиш ғурурини ўстиради. Ватан учун, халқи учун керак бўлса жонини фидо қилишга шай туриш – буюк инсоний (фазилатдир. Шахс социологияси ана шундай етук шахсларни етиштириб беришга хизмат қилади.

“Шахс” - одамнинг ижтимоий хусусиятларининг яхлит мажмуи бўлиб, ижтимоий тараққиёт ва индивиднинг фаол хатти-ҳаракати ҳамда муомаласи воситасида ижтимоий муносабатлар тизимида кўшилишининг маҳсули ҳисобланади. Шахс тушунчаси ижтимоий муносабатлар ва онгли фаолият субъекти сифатидаги индивидни ҳам ифодалайди.

“Индивид сифатида намоён бўлган мавжудот ижтимоий муҳит таъсирида шахс сифатида шаклланади. Индивиднинг жамият билан ўзаро муносабати уни маълум бир социал жамоа вакилига айлантирувчи турли гуруҳлардир. Бу муносабатни амалга оширишда мулоқат асосий роль ўйнайди, социал гуруҳлар орқали амалга ошади. Чунки мулоқот шахснинг асосий ижтимоий муносабатлар системасида назарий ва амалий билимларни

эгаллашида унинг шу системадаги ўзининг мақомига эга бўлишида, фаолият жараёнида ва кундалик турмуш тарзида асос сифатида хизмат қилади”<sup>2</sup>. Шу билан бирга шахс мулоқот орқали ўзининг шахс сифатида шаклланганлигини ва бошқа шахсларнинг ижтимоий муҳитининг ҳақиқий субъекти ёки унинг ижрочиси сифатида шакллангани тўғрисида тушунчага эга бўлишда муҳим аҳамият касб этади. Шу сабабли шахс жамиятдаги барча муносабатларнинг шаклланиши ва социал динамик характерини белгилашда асос бўлиб хизмат қилади.

3. Жамиятда ўрнатилган ижтимоий меъёрлардан четга чиқиш ҳолатларини ўрганувчи девиант хулқ-атвор социологияси муаммолари Ўзбекистонда истикдол шарофати билан ўрганила бошланди. Девиант хулқ-атворнинг турли кўринишларини мамлакатимиз олимлари ўз тадқиқот объектлари доирасида ўрганганлар. Республика файласуфлари Х.Шайхова, Қ.Назаров, М.Холматова, Н.Комилов (шахс тарбиясида маънавий-ахлоқий тарбия таъсири масалалари), социолог М.Б.Бекмуродов (ижтимоий меъёрларга жамоатчилик фикрининг таъсири жараёнлари), ҳуқуқшунослар А.Қулаҳметов, Й.Каракетов, М.Усмоналиев (жиноятчиликнинг умумий, жиҳатлари ва ўсмирлар жиноятчилиги масалалари), психолог олимлар Ғ.Б.Шоумаров, Н.А.Соғинов, С.ААхунжанова, З.Р.Қодирова, Э.Ш.Усмонов, Б.М.Умаров (ўз жонига қасд қилиш ва жиноятчилик муаммоларининг руҳий-психологик асослари), педагог-олимлар О.Мусурмонова, Д.Ж.Шариповаларнинг (оилада баркамол шахсни тарбиялаш ҳамда гиёҳвандлик, ичкиликбозлик, чекиш каби иллатларнинг олдини олиш муаммолари) олиб борган илмий ишларини шундай ишлар жумласига киритиш мумкин.

Жамиятда инсонлар фаолияти, хатти-ҳаракатлари ва хулқ-атворларини ижтимоий меъёрлар бошқаради. Ижтимоий меъёр жамият бошқарувининг ажралмас қисми бўлиб, шахс ёки ижтимоий гуруҳ хулқ-атворини муайян

---

<sup>2</sup> Н.Алиқориев. Умумий социология. Тошкент: ТошДУ, 1999 й, 42-бет.

социал муҳитга мослаштирувчи қоидалар мажмуидир. Ижтимоий меъёрнинг бир неча турлари мавжуд бўлиб, ҳуқуқий, ахлоқий, диний ҳамда урф-одатларга оид меъёрлар шулар жумласидандир.

Ижтимоий меъёрнинг афзаллиги шундаки, ёшлигиданок муайян меъёрларга мослаштириб борилган шахслар умум томонидан қабул қилинган тамойиллар доирасидан четга чиқмайди ва бошқалардан ҳам шуни кутади. Жамият тараққий этиб борган сари ўрнатилган меъёрлар ҳам эскириб боради ва янги меъёрлар ўрнатилади. Янги меъёрларни ўрнатиш жараёни жамиятда ўрнатилган мавжуд меъёрлар доирасини кенгайтириш ва ўзгартишдан иборатдир.

Жамият аъзоларини мазкур ижтимоий меъёрларга амал қилиб яшашларини назорат қилиб боровчи институтлар ижтимоий назорат институтлари дейилади. Ушбу институтларга оила, мактаб, маҳалла, ҳуқуқни муҳофаза қилиш органлари ва ҳоказолар киради.

Инсонлар болаларга ижтимоий меъёрларни ўргатиб бориш билан бирга, хулқ-атвор меъёрий талабларининг тўғри бажарилишини назорат этишади ва бу билан ижтимоий назорат вакили вазифасини бажаришади. Назоратни яқка шахс амалга оширса, бу индивидуал тавсифга эга бўлади, агар бутун бир жамоа, оила, дўстлар, мактаб, маҳалла (қўни-қўшнилар) томонидан амалга оширилса, ижтимоий тавсифга эга бўлади ҳамда у ижтимоий назорат дейилади.

Қуйидагилар девиант хулқ-атворнинг нисбатан кенгроқ тарқалган кўринишларидан ҳисобланади:

а) жинойтчилик. Муайян давлатда ўрнатилган қонун ва меъёрларга нисбатан айрим шахсларнинг салбий муносибати жинойий фаолият, мазкур шахс эса жинойтчи ҳисобланади.

б) ичкиликбозлик. Бу борада илмий адабиётларда бир неча таснифлар мавжуд: 1) Алкогольни ҳар-ҳар замонда истеъмол қилиш. 2) Алкогольни кўп истеъмол қилиш — спиртли ичимликларни мунтазам, яъни ҳафтада бир мартадан бир неча мартагача ёки, бирваракайига ўртада танаффус билан кўп

миқдорда (200 мл.дан ошиқ). Бу кўпинча алкоголизмга олиб келади. 3) Алкоголизм — спиртли ичимликларга патологик (муттасил) ўрганиб қолиш билан тавсифланувчи касаллик.

в) гиёхвандлик. Гиёхванд ёки унга тенглаштирилган воситаларга мунтазам ружу қўйиш ва тиббий кўрсатмаларсизистеъмол қилиш.

г) фоҳишабозлик. Фанда расмий никоҳсиз жинсий алоқа иккита турга бўлиб ўрганилади: 1. Конкубинат – никоҳсиз бирга яшаш. 2. Фоҳишабозлик – пул учун ўз танасини сотиш.

Ғарбда асосан иккинчиси қоралансада, Шарқда иккала ҳолатга ҳам меъёрдан оғиш сифатида қаралади.

Девиант хулқ-атвор муаммоларини таҳлил қилишда Р.Мертон ишлаб чиққан таълимот социологияда етакчи ўрин тутаети. Э.Дюркгеймнинг аномия ғоясини ривожлантириб, Мертон девиант хулқ-атворга қуйидагича таъриф беради: “Девиант хулқ-атвор жамиятда эълон қилинган қадриятлар ва расмий хулқ-атвор стандартлари билан аҳоли хулқ-атвор мотивлари ҳамда мавжуд имкониятларининг бир-бирига мос келмай қолиши натижасидир”.

### **Таянч иборалар:**

Шахс, жамият, инсон, индивид, фаолият субъекти, табиий ва ижтимоий эҳтиёжлар, ижтимоий мавқе, шахс фаолияти, референт гуруҳ, расмий ва норасмий гуруҳлар, девиация, девиант хулқ-атвор, гиёхвандлик, ичкиликбозлик, фоҳишабозлик, жиноятчилик

### **Мустаҳкамлаш учун саволлар:**

1. Социологияда инсон, индивид, шахс тушунчаларини изоҳланг.
2. Шахс социологиясининг мақсад ва вазифалари.
3. Шахсининг жамиятда тутган ўрни.
4. Девиация тушунчасини тушунтириб беринг.
5. Девиант хулқ-атвор социологияси нималарни ўрганади?
6. “Аномия” назариясининг мазмун-моҳияти?
7. Девиант хулқ-атвор турлари?

## Адабиётлар:

1. Ўзбекистон Республикасининг Конституцияси - Т.: «Ўзбекистон», 2001 й.
2. Исом Каримов. Ўзбекистон: миллий истиқлол, иқтисод, сиёсат, мафкура. Т.1. Т.: «Ўзбекистон», 1996й.
3. Исом Каримов. Ватан саждагоҳ каби муқаддасдир Т.3. - Т.: «Ўзбекистон», 1996й.
4. Исом Каримов. Биз келажакимизни ўз қўлимиз билан қураимиз. Т.7. Т.: «Ўзбекистон», 1999й.
5. Н.Алиқориев. Умумий социология - Т.: 2000й.
6. К.Юнусов. Социология. Андижон.: 1997й.
7. Ҳошимов Т. Социология асослари. Т.: ТошДИУ, 1997й.
8. Зборовский Г.Е., Орлов Г.П. Введение в социологию. Екатеринбург: 1995 г.
9. Капитонов Э.А. Социология XX века. История и технология. Ростов на-Дону: 1996 г.
10. Юнусов К. Социология. Ўқув қўлланмаси. Андижон, 1997й.
11. Носирхўжаев С.Ҳ., Бекмуродов М., Султонов Т., Носирхўжаева Ҳ. Социология асослари. Маърузалар матни. Т.: ТошДПУ, 2000й.

## 4-мавзу: Дин ва маданият социологияси.

### *Режа:*

1. *Дин социологияси фанининг долзарб масалалари.*
2. *Маданият тушунчаси. Маданият социологиясининг мақсад ва вазифалари.*

1. Ижтимоий ҳаётнинг муҳим жабҳаси бўлган дин ва диний эътиқод масаласи социология фанининг муҳим объектларидан бири ҳисобланади. Дин социологияси инсонни “Нега ва нимага эътиқод қилади?” саволига аниқ жавоб беради. Диншунослик фани дин тушунчасининг мазмун-моҳияти, дин ва унинг функциялари каби масалаларни ўрганишдан ташқари диннинг

жамиятдаги тутган ўрнини батафсил ёритиб беради. Демак, дин социологияси ва диншунослик фанлари ўртасида чамбарчас боғлиқлик ва алоқадорлик мавжуд. Социологик нуқтаи назардан қаралганда дин жамият учун зарурий нарса, ижтимоий ҳаётнинг ажралмас қисмидир. У ижтимоий, яъни социал муносабатларни юзага келтирувчи ва амалга оширувчи омил сифатида намоён бўлади. Бу ўз навбатида динни жамиятда бажарадиган вазибаларига кўра инсон омили кесимида ўрганиш зарурияти туғилади.

Марказий Осиёдан етишиб чиққан ватандошларимиз ижодида диннинг жамиятда тутган ўрнига алоҳида эътибор берилганини таъкидлаб ўтиш жоиздир. Бу олимлар диннинг ижтимоий ҳаётдаги ўрнини таҳлил қилар эканлар, бир динни мадҳ этиб бошқасини танқид қилиш йўлидан бормадилар. Улар турли динларнинг жамият тараққиётига ўтказадиган таъсирини таҳлил қилишда кузатиш, қиёслаш ва тарихийлик усулларида кенг фойдаландилар. Хусусан, Абу Райҳон Беруний ўзининг қатор асарларида, айниқса “Ҳиндистон” китобида турли қабилалар, элатлар ва халқлар ҳаётида динларнинг роли ҳақида чуқур таҳлиллар берган.

Ғарб ва Шарқ олимлари дин ва диний оқимларнинг одамлар ва жамият ҳаётига ўтказадиган таъсири тўғрисида қанчалик чуқур фикр билдирмасинлар, дин социологияси махсус илмий йўналиш сифатида XIX аср охири ва XX аср бошларида шаклланди.

Дин социологиясининг шаклланиши М.Вебер номи ва илмий фаолияти билан боғлиқ. Социология фанининг асосчиларидан бири ҳисобланадиган немис олими М.Вебер ижодида динни социологик таҳлил қилиш марказий ўринни эгаллайди. Француз социологи Э.Дюркгейм эса диний омилларни социологик ёндашувлар орқали тадқиқ этиш заруриятини исботлаб берган. У ўз фикрларини “Ижтимоий меҳнат тақсимоти тўғрисида”, “Социология услуги”, “Диний ҳаётнинг элементар формалари” каби асарларида социологик нуқтаи назардан тадқиқ этган.

Шундай қилиб дин социологияси ижтимоий фикрда дин атамаси билан боғлиқ бўлган барча ижтимоий жараёнлар ва ижтимоий хулқни ўрганади.

Мустақил Ўзбекистонда динга миллий кадрият сифатида қаралиши халқ онгида ушбу ҳодисага нисбатан тўғри холис муносабатнинг шаклланишига замин бўлди.

2. “Маданият” (арабча “маданият” — мадиналик, шаҳарлик, таълим-тарбия кўрганлик) — кишиларнинг табиатни, борликни ўзлаштириш ва ўзгартириш жараёнида яратган моддий, маънавий бойликлар ҳамда бу бойликларни қайта тиклаш ва бунёд этиш йўллари ва усуллари мажмуи. “Мадина” сўзи мусулмонларнинг азиз тутадиган жойи — Мадина шаҳри номидан келиб чиққан, чунки илк мусулмонлар таълим-тарбияни асосан Мадинада олганлар. Маданият моддий ва маънавий ишлаб чиқариш, ижтимоий ва ўзаро муносабатлар, сиёсат, оила, ахлоқ, ҳуқуқ, таълим, тарбия, ижод, илм-фан, хизмат кўрсатиш, турмуш тарзи кабилар билан бирга ривожланади, жамиятнинг тараққиёт даражасини акс эттиради.

Маданият тушунчаси кенг ва тор маъноларда ишлатилади. Кенг маънода — маданият тушунчаси инсониятнинг бутун тарихий тараққиёт жараёнида яратган барча моддий ва маънавий бойликларининг йиғиндисини акс эттиради. Тор маънода — маданият тушунчаси жамиятнинг маънавий-

Социологияда “маданият” тушунчаси математикадаги «сонлар», физикадаги “гравитация”, химиядаги “модда” тушунчалари каби муҳим аҳамиятга эга. Маданият — инсонлар фаолият натижаларининг мажмуи ўлароқ ўзида икки ҳолатни, яъни маданий статикани (маданиятнинг нисбатан турғун кўринишлари) ва маданий динамикани, яъни маданиятнинг ўзгарувчан жиҳатини мужассамлаштиради.

Маданият социологиясида ижтимоий институтлар муҳим аҳамиятга эга. Ижтимоий институтлар деганда кишиларнинг ижтимоий фаолиятлари ташкилланадиган ва амалга ошириладиган муассасалар ва уларда ижтимоий фэъл-атвор, ҳаракатларнинг мувофиқлаштирилуви тушунилади.

Маданият шакллари:

1. Элитар маданият

2. Халқ маданияти
3. Оммавий маданият

### **Таянч иборалар:**

Дин, дин социологияси, диний бағрикенглик, дунё динлари, маданият, маданият шакллари, моддий маданият, маънавий маданият.

### **Мустаҳкамлаш учун саволлар:**

1. Дин социологияси қачон фан сифатида шаклланган?
2. Дин социологиясининг объекти ва предмети?
3. Дин социологиясининг фанлараро боғлиқлигини тушунтириб беринг.
4. Маданият тушунчасининг мазмун-моҳияти.
5. Маданият шакллари?
6. Маданият социологиясининг жамиятдаги ўрни?

### **Адабиётлар:**

1. Н.Толипова. Социология. Маърузалар матни. ТошДШИ, 2009й.
2. А.Бегматов. Социологияга кириш. Андижон, 1995 й.
3. А.Холбеков. Социология. Луғат. Тошкент. “Ибн Сино”, 1999й.
4. Диншунослик. Маърузалар матни. Тошкент, 2008 й.
5. М.Бекмуродов ва бошқ. Социология. Тошкент, 2002 й.
6. М.Бекмуродов. Социология асослари. Тошкент, “Фан”, 1994й.
7. Маданият социологияси. Маърузалар матни. ФарДУ, 2008й.

### **5-мавзу: Оила ва никоҳ социологияси.**

#### ***Режа:***

1. *Оила социологияси. Оиланинг социал моҳияти, ҳамда унинг ахлоқий асослари*
2. *Оиланинг функциялари ва унинг типлари*
3. *Оила-никоҳ муносабатлари.*

1. Оила социологияси — социологиянинг асосий йўналишларидан бўлиб, бу фан оилани никоҳ асосида ташкил топган, жамият тараққиётида муҳим ижтимоий вазифаларни бажарувчи социал институт сифатида ўрланади. Оила социологиясининг алоҳида ўз вазифалари мавжуддир. Уларга жамият тараққиёти давомида оиланинг пайдо бўлиши, ривожланиши ва мавжудлик қонуниятларини ўрганиш, оиланинг моҳияти ва фаолияти ўзгариб боришини аниқлаш, никоҳ ва оила турлари эволюциясини ўрганиш, оилани ташкил топиши ва тараққётида авлодларнинг ўзаро таъсирини аниқлаш, оила тарбияси, оиланинг рекреатив фаолиятининг ва оила ҳуқуқининг ижтимоий моҳиятини очиқ бериш, меҳнат тақсимотида оила ўрнини ўрганиш кабилар киради.

Оила социологияси оиланинг табиий биологик, никоҳ, қариндошлик, маънавий иқтисодий ва ҳуқуқий муносабатлар асосида инсонларни бириктирувчи жамиятнинг кичик бир бўлаги сифатида ўрганар экан, унинг жамият билан ўзаро боғлиқлигини асосий эътиборини қаратади. Чунки жамият ташкил топишида унинг давомийлигини таъминлашда оила асосий ижтимоий, демографик манба ҳисобланади.

Оила социологияси оила вазифаларини турли тарихий даврларда, ижтимоий гуруҳларда, халқларда, давлатларда бажарилиши омиллари ва хусусиятлари оила вазифаларига бўлган муносабатларни ҳам атрофлича ўрланади. Оиланинг энг муҳим вазифаси бу фарзандларнинг туғилиши, яъни жамият давомийлиги таъминловчи янги авлод яратишдир. Туғилиш дунёдаги турли халқларда турлича кўрсаткичларга эга.

2. Ўзбекистон Республикаси Конституцияси (63-модда)да таъкидланганидек, “Оила жамиятнинг асосий бўғинидир ҳамда жамият ва давлат муҳофазасида бўлиш ҳуқуқига эга”<sup>3</sup>.

Никоҳ ва оила социологияси ўз мазмунига кўра жуда кенг қўлламга эга бўлиб, ҳозирги замон оила-никоҳ муносабатларининг барча жиҳатларини ўз

---

<sup>3</sup>Ўзбекистон Республикасининг Конституцияси. Т.: «Ўзбекистон», 2001, 17-бет.

ичига олади. Янги ижтимоий-иқтисодий муносабатларнинг таркиб топа бориши оила-никоҳ муносабатларида ҳам жиддий ўзгаришларни, оилавий муносабатларда вужудга келаётган янги муаммоларни келтириб чиқармоқда. Айниқса, уларнинг ичида оила-никоҳ муносабатларининг ҳуқуқий-юридик йўналиши, ахлоқий-эстетик, оила ва ислом дини, оила ва аҳоли саломатлигини ҳимоя қилиш муаммоси, оила сони, таркиби ва тузилиши, оиланинг моддий-иқтисодий таъминоти, турмуш даражаси, оилада эр-хотиннинг ўрни ва роли, оиладаги руҳий муҳит, оилавий можаролар ва ажралишлар, уларни келтириб чиқарадиган сабаблар, ёш оилалар ва уларнинг аҳоли каби йўналишлар муҳим социологик тадқиқот объекти бўлиб келмоқда.

Оила қуйидаги функцияларга бўлиб ўрганилади:

1. Репродуктив функция;
2. Фарзандлар тарбияси;
3. Ғамхўрлик қилиш функцияси;
4. Хўжалик-иқтисод функцияси;

Оила-никоҳ социологияси турмуш тарзи социологияси билан узвий боғлиқ ҳолда олиб қараб ўрганилади. Зеро, оила билан боғлиқ бўлган барча масалалар кишилар турмуш тарзи таркибига киради. Аммо, оила жамиятнинг кичик ячейкаси сифатида махсус социологик тадқиқотга муҳтож. Шунинг учун ҳам оила-никоҳ социологияси махсус социологик назария сифатида ҳозирги давр жамият ижтимоий ҳаётини илмий жиҳатдан ўрганишда муҳим аҳамиятга эгадир.

3. Оила асосини никоҳ муносабатлари ташкил қилади. Никоҳ – бу тарихан вужудга келган эр ва хотин ўртасидаги муносабатларнинг ижтимоий-ахлоқий шаклидир. Никоҳ орқали жамият эр-хотиннинг ўзаро жинсий ҳаётини тартибга солади ва уларнинг оиладаги ҳуқуқ-бурчларини қонунлаштиради. Шу билан бирга, оила никоҳга нисбатан янада

мураккаброқ бўлиб, нафақат эр-хотинни, балки уларнинг фарзандларини ва шу оила таркибига кирувчи қариндошларни ҳам ўз ичига олади.

Никоҳ ва унинг турлари, тарихий эволюцияси, унинг турли халқлар ижтимоий гуруҳлар, худудлар бўйича хусусиятларини, никоҳ, қонуниятларини, оилада меҳнат тақсмотини ва ёшларни никоҳга психологик, иқтисодий томонидан тайёрлаш ва аҳолини никоҳга бўлган муносабатларини ўрганиш ҳам оила социологиясида муҳим аҳамиятга эгадир.

Оила таркибида ҳамда ривожланишига бевосита таъсир этувчи демографик омиллардан яна бири — никоҳнинг бекор этилиши, яъни ажралишдир. Маълумки, оилада эр-хотиннинг ажралиши биринчи навбатда оиланинг таркибига таъсир этади. Оила тугал оиладан, тугалмас оилага айланади. Оилада фарзандлар туғилиши маълум даражада камаяди. Бу эса, ўз навбатида, оилани давом эттирувчи авлод яратилишига, оиланинг такрор барпо бўлишига салбий таъсир этади. Оила социологияси мустақамлигига салбий таъсир этувчи ажралиш жараёнини ўрганар экан, унинг сабабларини турли тарихий даврларда, давлатларда, халқларда ва ижтимоий гуруҳлардаги хусусиятларини очиқ бсради.

Аҳоли миграцияси ҳам оиланинг ижтимоий-демографик таркибига таъсир этувчи омиллардандир. Инсоннинг бир ижтимоий-иқтисодий муҳитдан иккинчи ижтимоий-иқтисодий муҳитга ўтиши (масалан, шаҳардан қишлоққа, қишлоқдан шаҳарга кўчиши), унинг оилага бўлган демографик, ижтимоий-иқтисодий муносабатларига таъсир этади.

Маълумки, оила пайдо бўлиб то тугагунга қадар бир қанча босқичлардан ўтади. Улар оиланинг ташкил топиши (никоҳга кириш) биринчи фарзандни туғилиши (фарзанд кўриш фаолиятини бошланиши), охириги фарзанд туғилиши (фарзанд кўриш фаолиятини тугалланиши), охириги фарзандни оилали бўлиши, оиласини ташкил этган эр ёки хотинни дунёдан кўз юмиши (оиланинг тугалланиши). Юқорида келтирилган жараёнлар оиланинг ҳаётий даврлари бўлиб, оила давомийлигига мунтазам қайтарилиб туради. Ушбу

даврларнинг ҳар бирини ўзига хос хусусиятларини, ижтимоий-иқтисодий муаммолари мавжуддир. Ана шу муаммолар ҳам оила социологиясининг ўрганиш доирасига мансубдир.

Оила тарбияси масалаларини ўрганиш ҳам оила социологиясида кенг ўрин олгандир. Оила тарбияси оилада ота-оналар, катта кишилар томонидан болаларни тарбиялаш бўлиб, ёш авлодни ҳар томондан ривожланишида муҳим аҳамиятга эгадир. Оила тарбиясида оилавий тартиб, оила аъзоларининг бир-бирига муносабати, ота-она ва катта кишиларнинг ҳуқуқ-атвори, маданий ва сиёсий савияси, оила бюджети, шароити асосий омил ҳисобланади.

Оила ҳуқуқи ҳам оила социологияси томонидан ўрганилиб, унда асосий эътибор никоҳ, қариндошлик, болаларни фарзандликка ва тарбияга олишдан келиб чиқилган муносабатларни, никоҳга кириш муносабатларини, эр-хотин, ота-она билан болалар ва оиланинг бошқа аъзолари ўртасидаги шахсий ва мулкӣ ҳомийлик, васийликдан келиб чиқадиган муносабатларни ҳамда никоҳнинг бекор қилиниши билан боғлиқ масалаларни ўрганишга қаратилади.

Оила социологияси қатор ижтимоий ва табиий фан йўналишлари билан узвий алоқада тадқиқот ўтказиши ва ривожланиб боради. Буларга психология, демография, этнография, тарих, ижтимоий география, сиёсатшунослик, аҳоли социологияси, туғилиш социологияси, ўлим социологияси, миграция социологияси, никоҳ социологияси, математика, статистика, экология каби фанлар кирази.

Оила социологияси ўз тадқиқотларида социологик тадқиқотлар ўтказиш, тарихий таққослаш, статистик ва математик усуллардан фойдаланади.

Оила социологияси фан йўналишининг тадқиқот натижалари оиланинг келажак истиқболини аниқлашда, давлат томонидан оила ва никоҳ мустаҳкамлигини таъминловчи қонун ва тадбирлар жорий этилишида илмий асос ва йўлланма сифатида қўлланилади.

### **Таянч иборалар:**

Оила, оила социологияси, оила социал институт, оила таркиби, оиланинг ижтимоий вазифаси, биологик кўпайиш, никоҳ, никоҳ турлари, коммуникатив, регулятив функцияси, оила типи.

### **Мустаҳкамлаш учун саволлар:**

1. Оила тушунчасини изоҳлаб беринг.
2. Оила жамиятининг бир бўғини сифатида қандай вазифани бажаради?
3. Оилани мустаҳкамлаш ва ривожлантириш борасидаги тадбирларни айтиб беринг.
4. Оила-никоҳ муносабатлари деганда нимани тушунасиш?
5. Оила функцияларини тушунтириб беринг.
6. Никоҳ тушунчаси ва унинг жамиятдаги аҳамияти.

### **Адабиётлар:**

1. Ислом Каримов. Ўзбекистон: миллий истиқлол, иқтисод, сиёсат, мафкура. Т.1. Т.: «Ўзбекистон», 1996
2. Ислом Каримов. Юксак маънавият – енгилмас куч. Тошкент, “Маънавият”, 2009 й.
3. Ўзбекистон Республикаси Оила Кодекси. Т.: «Адолат», 1998 й.
4. “Соғлом бола йили” Давлат дастури. Тошкент, 2014 й.
5. Н.Алиқориев. Умумий социология. Тошкент, 1999 й.
6. Н.Усмонов ва бошқ. Оила – жамият таянчи. Услубий кўрсатма. Фарғона, 2012 й.
7. М.Муллажонова, О.Баҳодиров, Т.Ҳошимов. Социология фанидан маъруза матнлари. Т.: ТошДИУ, 2000.
8. С.Носирхўжаев, М.Бекмуродов ва бошқ. Социология асослари. Маърузалар матни. Т.: Низомий ном. ТошДПУ, 2000.

## **6-мавзу: Шаҳар ва қишлоқ социологияси.**

### ***Режа:***

1. *Шаҳар ва қишлоқ социологияси.*

2. *Шаҳар ва қишлоқ аҳолисининг турмуш тарзи ва уни ўрганишининг аҳамияти.*

1. Маълумки, ҳозирги давлатлар асосан 2 турга - полиэтик (кўп элатли) ва моноэтник (бир элатли) давлатларга бўлинади. Аникланишича, сайёрамизда ўзининг бетакрор маънавий ва маданий қадриятларига эга булган 1600 дан ортик этник гуруҳ яшайди. Биз этник деганда тил, урф-одат, маданият, психологик қарашлари бир хил кишилар йиғиндисини тушунамиз. Миллат-тил, урф-одат, маданият, психологик қараш ва шу билан бирга иқтисодий бирликни ташкил этган барқарор кишилар йиғиндисини тушунамиз. Кўп миллатли ва кўп тилли мамлакатларда ўз давлатларига ном берган асосий миллат, бу мамлакатларда истиқомат қилувчи этник озчилик ўзаро муносабатлар, ички сиёсий барқарорлик ва миллий хавфсизликни ҳал қилувчи шартлардан бири бўлиб қолмоқда. Ҳозирги кунда кўп элатли давлатлардаги миллатлараро муносабатларда уйғунликнинг йўқлиги бутун-бутун халқлар ва мамлакатларни ижтимоий, сиёсий фалокатларга олиб келаяпти. Кўп миллатли давлатларда этник гуруҳлар ўртасидаги ва миллатлар ўртасидаги муносабатлар миллий хавфсизлик тушунчасини шакллантирувчи таъсирчан омил эканлиги аниқ бўлиб қолмоқда.

Шаҳар ва қишлоқ социологиясида шаҳар ва қишлоқ ҳаёти, уларнинг мавжуд ижтимоий муаммолари ва бу муаммоларни ҳал этиб бориш йўллари ўрганилади.

Шаҳар билан қишлоқ ўзаро иқтисодий шарт-шароити, шаклланган меҳнат тақсимоти, шундан келиб чиқадиган халқ хўжалигининг ўзига хос тузимини, илмий-маданий тараккиёт даражаси билан фарқ қилади.

Шаҳар социологияси - Социология фаннинг махсус ижтимоий-худудий бирлик сифатида ўзига хос типларга ажратилган ҳолда, уларнинг ижтимоий иқтисодий ривожланиши, таркибий тузилиши, турмуш тарзи,

табиати, бозор муносабатлари шароитида юзага келаётган ижтимоий муаммоларни урганади. Хозирги замон шаҳарлари қишлоққа нисбатан аҳоли зич жойлашганлиги, узига хос архитектураси, режали қурилган қурилиш комплекслари, ҳашоматли бинолар, сиёсий- мағмурий марказ сифатида, маданий илмий жихатдан устунлиги билан ажралиб туради.

Шаҳар социологияси социология фанининг махсус соҳаси бўлиб, унда шаҳарларнинг умумий, хусусий, узига хос ривожланиши ва функционал қонунлари, хусусиятлари ва муаммолари урганилади. Шаҳар социологияси муаммоларига: шаҳар ривожланишига таъсир қурсатувчи омиллар, шаҳар аҳолисининг ижтимоий таркиби турмуш тарзи, маданият даражаси, ижтимоий-иқтисодий фаолияти, аҳоли узиш ва у билан боғлиқ ижтимоий муаммолар, иш билан таъминланганлиги, бандлиги, илмий- маданий ҳаёт, хизмат қурсатиш даражаси ва турлари, унинг сифати, экологик вазият, шаҳарни ижтимоий ривожланишидаги бошқарув усулини урганиш, жинойтчилик даражаси ва бошқалар.

Шаҳар социологиясининг вужудга келишида М. Вебер, Э. Дюркгейм, Зиммель хиссаси кўп бўлган. Қишлоқ социологиясини- ижтимоий ҳудудий бирлик сифатида узига хос ривожланиши ва функционал қонунларни урганади. Қишлоқ социологияси XX асрнинг 20-30 йилларида шаклланиган. П. Сорокин қишлоқ социологияси шаклланишига катта хисса қўшган.

2. Социологлар аввало катта ва кичик шаҳарларга, муҳофаза ишларига, ижтимоий фикрнинг шаклланиши, шахсларнинг турли эҳтиёжларини урганиш ва шу асосда бошқариш каби масалаларига алоҳида эътибор беришлари зарур. Бу жараёнда систематик равишда қўзғатув услуби турли омилларни таъсирини ҳам очиқ берса, шу ҳодисаларни, вазифаларни урни, ролини очиқ беришга имконият бўлади. Масалан, турмушдаги маиший хизматнинг фаолияти кўп омилларга таянади, социологик тадқиқотлар ҳар бир омилнинг доирасини, тузилишини, ривожланишдаги режасини аниқлаб беради. Лекин бу мураккаб қарама-қаршиликдан иборат бўлган жараёндир.

Шунинг учун уни урганиш асосан эҳтиёжлар ва манфаатларни ифода қилиш ёрдамида бўлади. Айрим ҳолатларда эса бу эҳтиёжлар тулик, айрим шароитларда эса қисман функцияларни бажаради. Бундай ҳолатларда инсон омили, ижтимоий фикр, шахслараро муносабатлар ва бошқа категориялар ўзфункцияларини тула даражада бажаради. Қишлоқ шароитида эса турмушнинг узига хос афзалликлари ва муаммолари мавжуд. Шахслараро муносабатлар, ижтимоий фикрнинг шаклланиши, миллий урф-одатларнинг кенг миқёсида авж олиши қишлоқ турмушининг ривожланишдаги таркибий қисмлари ҳисобланади. Уларнинг функциялари кўпинча иқтисодий шарт-шароитларга боғлиқ. Қишлоқ хужалигини инкирозга юз тутиши бевосита қишлоқ ҳаётининг барча соҳаларига, шу жумладан социал томонларига ҳам салбий таъсир курсатади. Моддий техника базасининг сустлиги, меҳнат ресурсларнинг етишмаслиги, бошқа хужаликлар билан алоканинг бир томонлама бўлиши, аҳолининг психологиясида ва ҳаракатларида ўзаксини топади. Қишлоқ шароитида қулай имкониятлар мавжуддир.

Маълумки, эҳтиёжлар қисқа муддат ичида шаклланмайди, бу жараён узок муддат давом этади. Ундан ташқари шаҳар билан қишлоқ ўртасида тафовутларнинг сакланиши маълум даражада эҳтиёжларнинг структурасига таъсир этади. Кузатувлар туфайли, зарурият бўлса тажриба асосида қайси шароитда тафовутлар ижобий, бошқа шароитда эса салбий таъсирини аниқлашга имконият яратилади. Масалан, қурилиш соҳасида уй-жойларнинг архитектураси, жихозланиши, зичлиги бевосита шаҳар аҳолиси учун мебель олишда дам олишни режалаштиришда, хаттоки қуни-қушничилик қилишга қулай шароит яратади. Қишлоқда эса кўпроқ уй-жойларнинг қурилиши миллий кадриятлар асосида бўлади. Натижада аҳолининг психологияси уларнинг бир-бирига бўлган муносабатларига қулайликлар яратади. Хулоса қилиб айтганда, шаҳар ва қишлоқ шароитида тадқиқотларни ташкил этишда ва режалаштиришда турли омилларни, айниқса инсон омилини, унинг кўпқиррали томонини ҳисобга олган ҳолда олиб борилади.

### **Таянч иборалар:**

Шаҳар, шаҳар социологияси, қадрият, урф-одат, қишлоқ, қишлоқ социологияси, шаҳар ва қишлоқ турмуш-тарзи, цивилизация, эҳтиёж

### **Мустаҳкамлаш учун саволлар:**

1. Шаҳар ва қишлоқ социологиясини ўрганишдан мақсад?
2. Шаҳар социологиясининг вужудга келишида кимларнинг хиссаси кўп бўлган?
3. Қишлоқ социологияси қайси асрда шаклланган?
4. Шаҳар ва қишлоқ ўртасидаги тафовутлар нималардан иборат?

### **Адабиётлар:**

1. Ислон Каримов. Ўзбекистон ХХИ аср бўсағасида: хавфсизликка таҳдид, барқарорлик шартлари ва тараққиёт кафолатлари. Т. “Ўзбекистон”, 1997 й.
2. Ислон Каримов. Баркамол авлод орзуси. Т. “Шарқ”. 1999й.
3. Ислон Каримов. Ватанимиз тинчлиги ва хавфсизлиги ўз куч-қудратимизга, халқимизнинг ҳамжихатлиги ва букилмас иродасига боғлиқ. «Халқ сўзи», 2004 йил, 30 апрел.
4. Баркамол авлод - Ўзбекистон тараққиётининг пойдевори. Т. «Шарқ», 1997 й.
5. Н.Алиқориев ва бошқалар. Умумий социология. Тошкент, 1999 й.
6. А.Холбеков ва бошқ. Социология. Луғат. Т. Ибн Сино нашриёти 1999 й.
7. Н.Жўраев. Тарих фалсафаси. Т. «Маънавият» 1999 й.
8. Э.Гидденс. Социология. Ўқув қўлланма. Т. «Шарқ», 2002 й.

### **7-мавзу: Меҳнат ва иқтисод социологияси.**

#### ***Режа:***

1. *Меҳнат социологиясининг вужудга келишидаги шарт-шароитлар*

*2. Мехнатнинг социал шакллари ва шарт - шароитлари*

*3. Иқтисод социологиясининг фан сифатида шаклланиши.*

1. Ҳозирги кунда ижтимоий фанлар қаторида, хусусан “Социология” фани олдида шаклланиб келаётган янги ижтимоий муносабатлар ва унинг хусусиятлари, бозор муносабатларига ўтиш жараёни ҳамда унинг келгусидаги ижтимоий оқибатларини, меҳнат муносабатларининг янги шароитидаги ўзига хос жиҳатларини ўрганиш масаласи кўндаланг бўлиб турибди. Социология ва унинг махсус назарияси- меҳнат социологияси доирасида бу муаммоларнинг ҳам назарий, ҳам амалий томонлари ўзаро диалектик боғлиқ ҳолда олиб қаралиши лозим. Меҳнат фаолияти билан боғлиқ бўлган жамият ҳаётининг барча жиҳатлари, жараёнлари конкрет социологик тадқиқот асосида ўрганилади.

Ўзбекистон давлати иқтисодий асосларини, уларнинг таркибий функционал қатламини меҳнат социологияси доирасида ўрганиш муаммоси ҳозирги куннинг энг муҳим масалаларидан биридир. Чунки, ҳозирда меҳнатнинг мазмуни, характери ва унга бўлган муносабат ўзгармоқда. Бошланаётган янги ижтимоий-иқтисодий давр талабларидан бири “Ишлаб чиқарувчиларнинг ҳам, истеъмолчиларнинг ҳам руҳиятини ўзгартириши лозим” бўлган вазифа туради.

Меҳнат социологиясининг предмети билан боғлиқ бўлган кишиларнинг ижтимоий ҳаёт қонуниятлари, меҳнатнинг ижтимоий муаммолари, меҳнат фаолияти жараёнларини ўрганишдан иборатдир. Социологиянинг бу махсус назарияси меҳнат соҳасидаги тадқиқотларнинг хусусий принциплари, категориялари ва усулларидан фойдаланади.

Меҳнат социологияси қуйидаги асосий ижтимоий муносабатлар жараёнини ўрганади: ишлаб чиқариш воситаларига ва мулкка бўлган муносабатлар, меҳнат кооперацияси ва тақсимоти, бажарилаётган меҳнатнинг шароити ва мазмуни, меҳнат турларининг ўзгариши, меҳнатга қараб тақсимлаш, жамият аъзоларининг ижтимоий фойдали меҳнатга бўлган эҳтиёжларининг ўсиб бориши, ишчи ва хизматчиларнинг меҳнат шароити ва

турмуш тарзига қараб, турли ижтимоий шарт-шароит ва омиллар таъсирида меҳнат хулқининг ўзгариб бориши, меҳнат хулқи мотивлари ва типлари, шахсий даромадларнинг миқдори ва уни олиш йўллари, меҳнат кадриятлари ва бошқалардир. Республикамиз Президенти И.А.Каримов таъкидлаганларидек: “Бозорга ўтиш дастурини рўёбга чиқаришдаги ижтимоий таянчлардан бири, биринчи навбатда, жамиятнинг ижтимоий фаол қатламларидир. Шу боис ислохотлар иккинчи босқичининг энг муҳим вазифаси ҳар бир киши меҳнатининг кадрини ошириш, унинг ижодий фаолият кўрсатиш имкониятларини номоён этиши учун шароит яратишдан иборат. Ҳар бир кишининг иқтисодий эркинлигини унинг ўз муваффақияти ҳамда ўз оиласининг фаровонлиги учун иқтисодий масъуллиги билан қовуштириб боришга асосланган иқтисодий муносабатларни қарор топтириш керак. Ўз ижодий қобилиятлари ва имкониятларига таянишни назарда тутган муносабатлар ҳар бир киши фаровонлигининг муҳим ва ягона манбаидир”.

2. Умумий меҳнат ўзида мураккаб тузилишни ифодалайди. Бунинг натижасида у тўла фанлар қаторида ўрганиш мавзуси бўлиб ҳисобланади. Меҳнат социологиясини таҳлил қилишнинг бир неча йўналишлари мавжуд: бизнес, ишлаб чиқариш ва ҳоказоларни бошқаришнинг тузилиши ва иерархиясини ўрганувчи ташкилотлар социологияси; у ёки бу фаолиятнинг афзалликларини ўрганувчи касблар социологияси, қимматбаҳо ориентациялар, касбга лаёқатлилиқ ва бошқалар; меҳнат фаолияти ижтимоий жараён сифатида; меҳнат унумдорлигини оширувчи ижтимоий омиллар; технологик ва ижтимоий шароитларнинг меҳнат муносабатларига таъсири ва ҳоказо.

Ҳозирги пайтда биз доимо эшитиб турадиган иккита ўхшаш тушунчаларни тақсимлашимиз зарурдир: якка тартибдаги меҳнат ва якка тартибдаги меҳнат фаолияти. Биринчи тоифа шахсий иш жойини, яъни ўз субъекти, мажбурият ва функциялар доирасига эга бўлган меҳнат зонасини

билдиради - бу меҳнатнинг технологик тақсимотининг таркибий қисмидир. Якка тартибдаги меҳнат фаолияти - меҳнатнинг иқтисодий тақсимоти таркибий қисмидир. Бу фуқароларнинг ижтимоий - фойдали фаолияти бўлиб, у алоҳида бир шахс ва унинг оила аъзолари шахсий меҳнатка асolanган. Бундай фаолият асосини шахсий мулкка бўлган меҳнат воситаси, уй-жой биноси ва қурилмалари, ер, ишлаб чиқариш маҳсулотлари, транспорт воситалари ва ҳоказолар. Якка тартибдаги меҳнат фаолияти жамият ичидаги меҳнатнинг тақсимланиши элемент бўлиб қатнашади.

Меҳнат мазмуни унинг техник функционал томонларини, меҳнатнинг мазмундорлиги эса - социал-психологик тузилишини ифодалайди. Агар хусусий режа бўйича тузилган бўлса, меҳнат мазмунли ва ижодий субъект сифатида кўрилади. Бегона ҳокимликни иродага бўйсундириш - психологик ва ижтимоий йироқлашишга йўл. Мана шунинг учун ишчилар, ходимлар олдига мақсад вазифани қўйиш ва бу мақсадга эришиш йўлларини танлашда, шубҳасиз, унинг фаолиятини нозиклик билан назорат қилиш орқали улар фантазиясига кенг йўл очиб беришга интилиш муҳимдир.

Ишлаб чиқаришда меҳнатни ташкил қилиш, уни бошқаришда, бизнесда, ҳуқуқшунослик идорасида меҳнатни рағбатлантириш ва асослаш катта аҳамият касб этади. Рағбатлантириш - бу тўғри ва қисман шаклда ифодаланган меҳнатни кучайтиришни моддий ва маънавий мукофатлаш тизимидир. Рағбатлантириш – мажбурий меҳнатдан ихтиёрийга қадам. Меҳнат асослари - ихтиёрий меҳнатга бошқача, янада кенгроқ қадам, муҳим инсон эҳтиёжларини қондиришга асосланган фаол меҳнат фаолиятига майиллик (кучли шахсларга, фаол бизнесменларга ва бошқаларга мансублик мавқеини аниқлаб олиш). Асослар қадриятлар ва йўл-йўриқлар билан узвий боғлиқдир. Асослар у ёки бу ҳолатни, далилни субъектив баҳолашга мўлжалланган, улар нисбийдир. қадриятлар асосида жамият томонидан ниманидир шак-шубҳасиз нормалар сифатида объектив тан олиниши ётади, қадриятлар ахлоқий талаб бўлиб, улар абсолютдир.

“Меҳнат социологияси” дарслиги муаллифларининг ҳаққоний таъкидлашларича, меҳнат мазмундорлигининг асосий элементлари бўлиб, агар уни меҳнат фаолиятининг ижтимоий-психологик тузилиши сифатида тушунилса, қуйдагилар ҳисобланади:

– мақсад - олдиндан сезиладиган натижаларни тан олинган образи бўлиб, таъсир қилишнинг идеал режаси;

– меҳнатга муносабат - унинг асосида меҳнатнинг онглилигини ва мақсадга тегишлиликни ўзиникидек сезиш, атроф оламни, шахсий режа бўйича қайта ривожлантириш;

– меҳнатни рағбатлантирувчи омиллар - меҳнат фаоллигига ундовчи ташқи омиллар;

– меҳнат асослари - муҳим бир нарсадек тан олинувчи эҳтиёж, ички рағбатлантирувчи омиллар;

– кадриятлар ва уларга қараб мўлжаллаш - меҳнат фаолиятининг ахлоқий талаби.

3. XIX аср охири ва XX аср бошларига келиб, иқтисодий ҳаёт социологиянинг тадқиқот объектига айланди. Худди шу даврда ишлаб чиқаришда инсон омили англаб етилди ва бу борадаги тафаккур шаклланиб борди.

Иқтисодий назариялар ва қарашлар ҳамда тасаввурларга иқтисодий муносабатлар ҳамisha ҳам айнан мувофиқ бўлавермайди. Иқтисодий қарашлар ва назариялар баъзида ишлаб чиқариш муносабатларига шубҳа билан қарайди. Уни ўзгартириш, такомиллаштириш учун маълум тавсиялар, йўриқлар мажмуини илгари суради.

Иқтисодий ҳаёт сотувчи ва харидор ўртасида маданий, маънавий муносабатларсиз мавжуд бўлмайди. Агар ишчининг манфаатлари ва эҳтиёжлари инобатга олинмаса, уларнинг мақсад ва интилишларига шароит яратилмаса, ҳар қандай техника ва технология, энг оқилона (рационал) қарашлар тизими ҳам муаммоларни ҳал қилишга имконият бермайди.

Ишлаб чиқариш муносабатларининг субъекти бўлган ишчилар маънавияти, хулқ- аъвоқлари фақатгина иқтисодиётдаги ўзгаришлар таъсири остида эмас, яна маданият омили туфайли ҳам шаклланади.

Асримизнинг 60-йилларида ривожланган Ғарб давлатларида иқтисодий социология фанининг ижтимоийлашузи тенденцияси янада кучайди ва унинг имкониятлари ортиб борди. Шу билан биргаликда социологияда шундай тушунча ва категориялар ишлаб чиқилдики, улар иқтисодий социологиянинг категориал аппаратини шакллантиришга асос бўлди. Бу категориал аппарат иқтисодчи социологларга иқтисоддаги мавжуд ва ҳали ўрганилмаган ижтимоий алоқаларни тадқиқ қилишларига кенг йўл очиб берди.

Шу билан бир қаторда муассасалар, ишлаб чиқариш жамоалари, касблар, бандлик стратификацияси, бошқарув ва бошқа муҳим масалалар билан шуғулланувчи социологиядаги маҳсул йўналишлар ҳам ривожланиб борди. Бундан шундай хулоса келиб чиқадикки, иқтисодий социологияни бугунги кунда глобал ва хусусий масалаларни ҳал қилувчи фан сифатида тасаввур қилиш мумкин.

### **Таянч иборалар:**

Иқтисод, иқтисод назарияси, иқтисод социологияси, иқтисодий муносабат, меҳнат, меҳнат социологияси, меҳнат муносабатлари, меҳнат жамоалари, ишлаб чиқариш, рақобат

### **Мустаҳкамлаш учун саволлар:**

1. Меҳнат муносабатларининг вужудга келиш сабабларини айтиб беринг.
2. Меҳнатнинг турлари ва шарт-шароитлари тушунчасини изоҳланг.
3. Меҳнат жамоаларини қандай тасаввур этасиз?
4. Меҳнат жамоаларининг асосий вазифалари нималардан иборат?
5. Иқтисод социологияси қачон шаклланган?
6. Иқтисод социологиясининг объекти ва предмети.
7. Иқтисод ва меҳнат социологиясининг ўзаро боғлиқлиги.

### **Адабиётлар:**

1. Ислон Каримов. Ўзбекистон иқтисодий ислохотларни чуқурлаштириш йўлида. Т.: «Ўзбекистон», 1996.
2. Ислон Каримов. Ўзбекистон буюк келажак сари. Т.: «Ўзбекистон», 1998.
3. Ўзбекистон Республикаси Меҳнат Кодекси. Т.: «Меҳнат», 1996.
4. Социология. Дарслик. М.: 1997.
5. К.Юнусов. Социология ўқув қўлланмаси. Андижон, 1997.
6. Иқтисод назарияси. Маърузалар матни. Тошкент, 2004 й.
7. С.Носирхўжаев, М.Бекмуродов ва бошқ. Социология асослари. Маърузалар матни. Т.: Низомий ном. ТошДПУ, 2000.
8. С.Хан, В.Хан. Социология (Курс лекций). - Т. Адолат, 1999 .
9. Меҳнат социологияси. Маърузалар матни. ФарДУ, 2005 й.
10. О.Солиев. С.Қозоқов. Иқтисод социологияси фанидан ўқув-услубий мажмуа. ФарДУ, 2006 й.

### **8-мавзу: Эмпирик социологик тадқиқот ва унинг методлари.**

#### ***Режа:***

1. *Социологик тадқиқотлар дастури.*
2. *Социологик тадқиқот усуллари.*

1. Социологик тадқиқотлар бўлажак изланишларнинг илмий асосланган режа ва дастурини тайёрлашдан бошланади. Дастур ҳаёт ҳақиқатидан келиб чиққан ва илмий-назарий жиҳатдан пухта ишланган бўлиши лозим. Зеро, тадқиқот натижалари қандай бўлиши ана шу омилларга бевосита боғлиқдир.

Дастур бўлажак тадқиқот материалларини тўплаш, қайта ишлаш ва маълумотларни таҳлил қилишни ўз ичига олади. Дастур тадқиқ этилувчи ижтимоий муаммо моҳиятини аниқлаш, тадқиқот объекти ва

предметини белгилаш, мақсад ва вазифаларни характерлаб бериш, иш фарази (илмий тахмин) иш белгилаш, усулларини аниқлаш, маълумотларни тўплаш ва таҳлил этиш тархини билиб олиш каби қисмларни ўзида мужассамлаштиради. Шундай қилиб, дастур, асосан икки катта бўлим, яъни — назарий методологик ва амалий-услубий бўлимлардан иборатдир.

Социологик тадқиқотлар назарий асосларини ишлаб чиқиш ва фактларни йиғиш бир пайтда амалга оширилмайди, аммо улар муштарак бирликда умумий вазифаларга бўйсунган ҳолда амалга оширилади. Дастурни ишлаб чиқиш жараёнида икки асосий талабга риоя қилиш муҳимдир. Биринчидан, ишлаб чиқилган назарий умумлашмалардан реал тадқиқот жараёнларига ўта билиш ва, иккинчидан, олинган натижалар, фактлар, йиғилган эмпирик материаллардан назарий умумлашмаларга, илмга қайта билиш, кўникмаларига эга бўлиш ана шу талаблар мазмунидир. Бу икки талабга риоя қилиш, бир жиҳатдан, социологик тадқиқотлар ўтказишни тизимли йўлга қўйиш, жамият: ижтимоий муаммоларини тадқиқ этиш ишларини узлуксиз амалга ошира боришни таъминласа, иккинчи жиҳатдан, илм-фан турли соҳаларининг узвий ривожлана бориши учун кенг имкониятлар очади.

Дастур мазмунида жамиятда турли таъсирлар оқибатида юзага чиқувчи ижтимоий муаммоли вазиятлар аниқ ифода этилмоғи лозим. Илмий муаммонинг қўйилиши муайян соҳа амал қилаётган билимлар ҳамда амалий андозалар доирасидан қониқмаслик, бу билимлар чегарасини кенгайтириш демакдир. Зеро, муайян тадқиқот бошлангунга қадар маълум бўлган билимлар доирасида ҳамisha ҳам ижтимоий муаммоли вазият ҳал этилавермайди.

Дастурда комплекс социологик тадқиқот натижаларини киритиш, ўрганилаётган объект ва предмет хусусиятларини аниқлаш мақсадларида социологик тадқиқотлар инструментарийсига алоҳида тўхталиб ўтиш лозимдир. социологик тадқиқотлар инструментарийси

деганда социологик тадқиқотлар ўтказиш учун зарур бўлган методик ва техник усуллар йиғиндисини эътиборга оламиз.

2. Социологик тадқиқот усуллари ичида ҳозирги кунда энг кўп тарқлагани сўров усулидир. Сўров усулининг қулайлиги шунда намоён бўладики, тадқиқотнинг кузатиш ва эксперимент усулларини фақат мутахассис социологлар қўллаши мумкин бўлса, сўров усулида тадқиқот ўтказишга қисқа муддатли тайёргарликдан ўтган ёрдамчиларни ҳам жалб қилиш ва улар ёрдамида респондентларнинг катта миқдорини қамраб олиш мумкин.

Сўров усули бошқариш учун қулай усулдир. Бундан ташқари, тадқиқот қўламини кенгайтиришда сўров усулининг имкониятлари жуда катта. Бу усул қўлланилганда катта корхона ва муассасалар, соҳалар, минтақалар ва, ҳатто, мамлакат миқёсида ҳам тадқиқот ўтказиш мумкин.

Кузатиш усули фақат ҳозирги даврда юз бераётган ҳодисалар ҳақида маълумот берса, сўров усули респондентга бевосита мурожаат қилиб, унинг хулқ-атвори, ҳаракатдан кўзлаган ниятлари ўтган даврда қилган ва ҳозир қилаётган ишлари келажакка мўлжалланган режалари тўғрисида батафсил маълумот олиш имконини беради.

Лекин, сўров усули фақат афзаллик ва қулайликлардан иборат экан, деб хулоса чиқариш нотўғри бўлар эди. Бу усулнинг ҳам бир қатор камчиликлари мавжуд. Масалан, бу усул ёрдамида олинган маълумотларнинг ҳақиқатга қанчалик мос келишини синчиклаб текшириш керак. Чунки, бу усул қўлланилганда маълумот манбаи фақат респондент бўлади.

Ҳужжат усули тарихий адабиётларда кенг қўлланилган. Абу Райҳон Бериунининг «Қадимий халқлардан қолган ёдгорликлар» китобида кўпдан-кўп ёзма манбалардан фойдаланилади.

Ҳужжат — моддий материал манба ҳисобланиб, воқеа ва фактлар хусусидаги маълумотларни ўзида ифодалайди.

Хужжатда инсон ёки жамоа фикри ёзма ва бошқа белгиларда намоён этилган бўлади. Хужжат сифатида турли формулалар, чизгилар, графиклар, рамзий белгилар бўлиши ҳам мумкин. Бундай шартли белгилар муайян маълумотга эга кишилар томонидан ўқилади.

Деярли барча турдаги анкеталарда учрайдиган саволлар, яъни респондентнинг ёши, жинси, миллати, касби, маълумоти ва бошқаларга оид саволлар ҳам биринчи гуруҳдаги саволлар тоифасига киради. Бундай саволлар одатда анкетанинг алоҳида бир қисмига жамланади ва бу қисм социологияга оид адабиётларда демография қисми ёки паспорт қисми номлари билан юритилади.

Анкетанинг паспорт қисмидаги саволлар аниқ ва конкрет жавобларни талаб қилади ва, одатда, бу қисмдаги саволларга берилган жавобларнинг ҳаққонийлик даражаси жуда юқори бўлади. Бошқа мамлакатларда ҳам ўтказилган социологик тадқиқотлар тажрибаси шуни кўрсатадики, анкетада қўйилган саволлар респондентни оз бўлсада хавотирга солса, унинг жавоблари самимий бўлмайди. Респондент анкетадаги саволларга самимий жавоб берса, ўзига ҳеч қандай зарар етмаслигига ишонч ҳосил қилган тақдирдагина, уларга тўғри жавоб беради.

Интервью усули анкета билан кўп умумийликларга эга. Анкетада саволлар ёзма тарзда берилса, интервьюда оғзаки саволлар берилади. Интервью респондент билан бевосита мулоқотни тақозо этади. Интервьюни ўтказувчи — интервьюер шахсияти, ўзини тутиши, овози, ташқи кўриниши ва кийиниши ҳам сўров натижаларига таъсир қилиши мумкин.

Интервью билан оддий суҳбат ўртасидаги тафовут яна шунда кўринадики, суҳбатдошлар, одатда, таниш одамлар бўлиб бир-бирларига муайян психологик муносабатда, аксарият ҳолларда хисобий муносабатда бўладилар. Чунки, одамлар ўзлари ёқтирмаган одам билан

суҳбатлашишни ҳам ёқтирмайдилар. Интервью эса, деярли икки нотаниш одамнинг суҳбати.

Кузатиш усулининг фанда қўлланишидаги яна бир муҳим жиҳати унинг олдиндан режалаштирилиши ва мунтазамлилигидир. Ана шу режалаштириш жараёнида тадқиқотчи қай мақсадни кўзлаб, қайси назария ва фаразлар асосида, қандай воситалардан фойдаланган ҳолда кузатиш олиб боришини аниқлаб олади.

### **Таянч иборалар:**

Тадқиқот, эмпирик социологик тадқиқот, тадқиқот дастури, тадқиқот, мақсади, тадқиқот усуллари, кузатиш, анкета, сўров усули, хужжат, интервью

### **Мустаҳкамлаш учун саволлар:**

1. Социологик тадқиқотлар қандай режалаштирилади?
2. Социологик тадқиқот дастурининг таркиби қандай қисмлардан иборат бўлади?
3. Социологик тадқиқотларни ташкил этиш тартиби қандай?
4. Сўров усули нима?
5. Хужжатларни ўрганиш усули қандай амалга оширилади?
6. Интервью усулининг хиллари.
7. Кузатиш усулининг турлари.
8. Дастлабки синов (пилотаж) тадқиқотлар қандай амалга оширилади?
9. Таснифловчи тадқиқотларнинг хусусияти қандай?
10. Аналитик таҳлилнинг ўзига хослиги нима?
11. Бир марта ўтказиладиган тадқиқотлар қандай кўринишга эга бўлади?
12. Кўп марталик тадқиқотлар ва уларнинг кўринишлари.
13. Социологик ахборотлар таҳлили.
14. Тадқиқот натижаларини изохлаш тартиби.

15. Ҳисобот тайёрлаш услубияти.

#### **Адабиётлар:**

1. Алиқориев Н.С. ва бошқалар. Умумий социология 1999Й.
2. А.Холбеков. Социология. Луғат. Т. Ибн Сино нашриёти 1999й.
3. Н.Жўраев. Тарих фалсафаси. Т. «Маънавият» 1999 й.
4. Н.Усмонов. Социология. Маърузалар матни. ТАТУ Фф, 2007 й.
4. Социология фанидан ўқув-услубий мажмуа. Тошкент, 2010 й.
5. А.Холбеков. Бошқарув социологияси (ўқув қўлланма). –Тошкент: Академия, 2007.
6. Р.Убайдуллаева ва бошқ. Социологик тадқиқотлар амалиёти (Ўқув-услубий қўлланма). – Тошкент.: «Ижтимоий фикр», 2001.
7. Б.А.Фарфиев ва бошқ. Социология тарихи. (Услубий қўлланма). Тошкент: Университет, 2009.

#### **9-мавзу: Глобаллашув ва ижтимоий тараққиёт социологияси.**

##### ***Режа:***

1. *Глобаллашув тушунчаси.*
2. *Ҳозирги замон жамиятининг муҳим глобал муаммолари.*
3. *Ижтимоий экология тушунчаси.*

1. XXI аср бошларига келиб дунё мамлакатлари ўртасидаги ўзаро таъсир шу қадар кучайиб кетдики, бу жараёнидан тўла ихоталаниб олган бирорта ҳам давлат йўқ, деб тўла ишонч билан айтиш мумкин. Ҳаттоки, халқаро ташкилотлардан узоқроқ туришга интилаётган, уларга аъзо бўлишни истамаётган мамлакатлар ҳам бу жараёндан мутлақо четда эмас. Глобаллашув шундай жараёнки, унда четда тураман, деган мамлакатлар унинг таъсирига кўпроқ учраб қолиши мумкин. Бундай ғайри ихтиёрий таъсир эса кўпинча салбий бўлади.

Глобаллашувнинг турли мамлакатларга ўтказаетган таъсири ҳам турлича. Бу ҳол дунё мамлакатларининг иқтисодий, ахборот, маънавий

салоҳиятлари ва сиёсати қандай экани билан боғлиқ. Дунёда юз, бераётган шиддатли жараёнларининг ҳар бир мамлакатга ўтказаетган салбий таъсирини камайтириш ва ижобий таъсирини кучайтириш учун шу ҳодисасининг моҳиятини чуқурроқ англаш, унинг йўналишини тегишли тарзда ўзгартириш мумкин эмас. Глобаллашув яна шундай жараёнки, уни чуқур ўрганмаслик, ундан фойдаланиш стратегияси, тактикаси ва технологиясини ишлаб чиқмаслик мамлакат иқтисоди ва маданияти, маънавияти, маънавиятини тоғдан тушаётган шиддатли дарё оқимиға бошқарувсиз қайикни топшириб қўйиш билан барабар бўлади.

Мустақиллик даврида мамлакатимиз олимлари ўтказган ва ўтказаетган татқиқотларга кўз югуртириш бу соҳадаги ишлар энди бошланаётганидан гувоҳлик беради. Глобаллашувнинг миллий маънавиятга ўтказадиган таъсири ҳақида ёзилган жиддийроқ рисола ва йирик татқиқотлар у ёқда турсин кичикроқ мақолаларни топиш ҳам мушкул. Илмий нашрлар ва журналлар, даврий матбуотда мазкур мавзу бўйича биз топа олган ишларнинг миқдори қўлларимиз панжасидан ҳам оз. Ҳар қандай сиёсат ва маънавият соҳасидаги сиёсат ҳам илмий асосга эга бўлгандагина муваффақият келтиришини назарда тутсак, бу масалада олимларимиз сиёсатчиларимизнинг тўғри йўл танлаши ва қарорлар қабул қилиши учун имконият яратишимиз лозим.

Глобаллашувига қисқа таъриф бермоқчи бўлсак, уни турли мамлакатлар иқтисоди, маданияти, маънавияти, одамлари ўртасидаги ўзаро таъсир ва боғлиқликнинг кучайиши дейиш мумкин.

Глобаллашувга берилган таърифлар жуда кўп. Лекин унинг хусусиятларини тўлароқ қамраб олгани бизнингча, француз татқиқотчиси Б. Банди берган таъриф. Унда глобаллашув жараёнининг уч ўлчовли эканига урғу берилади:

- Глобаллашув- муттасил давом этадиган тарихий жараён
- Глобаллашув- жаҳоннинг гомогенлашуви ва универлашуви жараёни.

- Глобаллашув - миллий чегараларнинг “ювилиб кетиш” жараёни.

Глобаллашувнинг ўзи мураккаб жараён экани, унинг турли мамлакатлар иқтисоди, сиёсати ва маънавиятига ўтказаетган таъсири яна ҳам мураккаб бўлгани сабабли унга нисбатан ҳам жаҳонга бир-бирига нисбатан қарама-қарши бўлган икки гуруҳ: глобалистлар ва аксилглобалистлар гуруҳлари вужудга келди.

2. Ҳозирги замон цивилизациясининг муҳим *глобал муаммоларидан* бири инсон ҳаёти ва соғлиғини сақлашдан иборат. Бу муаммо бошқа муаммолар орасида 1-рақами билан белгиланади. Гап шундаки, ҳозирги замон цивилизациясининг қуввати шу даражада кучлики, унинг атроф-муҳитга ўтказадиган салбий таъсири инсон ҳаётини тубдан ўзгартириб юбориши ва ердаги ҳаётни йўқ қилиб юборишга қодир. Масалан ядро уруши ва унинг оқибатлари.

*Экологик бухрон* ҳозирги кунда, шубҳасиз, глобал муаммога айланди. Унинг намоён бўлиш хусусиятлари бор. Кўпроқ уч кўринишда юз беради: ифлосланиш, мувозанатнинг бузилиши ва деструкция. **Деструкция** – экосистема бузилишининг шундай босқичики, унинг функцияларини қайта тиклаш деярли мумкин бўлмайди. Уни тиклаш учун узок муддат ва ҳаракат керак бўлади.

Шуни ишонч билан айтиш мумкинки, ҳозирги кунда табиатда инсон ва бошқа тирик мавжудот ҳаётини сақлаш учун зарур бўлган тизимлар ва саноат, технологик ҳамда инсоннинг демографик эътиёжлари ўртасидаги мувозанат бузилган. Ҳаётдаги айрим бўъронли вазиятлар сифатида радиоактив заҳарланиш, озик-овқат маҳсулотлари етиштиришдаги етишмовчиликлар, хом ашё ресурсларининг қашшоқланиб бориши, планета аҳолисининг назоратсиз кўпайиб боришини кўрсатиш мумкин.

### **Ядро қуролини ишлатиш оқибатлари.**

Инсоният учун ядровий хавф глобал муаммо бўлиб қолмоқда. Сўнгги йилларда, айниқса, «Ядро туни» ва «Ядро қиши» концепцияси яратилгандан

кейин ядро қуролини синаш, ундан фойдаланиш, атом энергиясидан тинчлик мақсадларида фойдаланиш оқибатларини инсон ҳаёти ва унинг яшаш муҳитига бўлган таъсирини, жумладан, тиббий-биологик таъсирларини мукамал таълил қилиш зарурияти туъилди.

Мутахассислар шундай хулосага келдиларки, ʔатто ядро арсеналининг шундай кўп миқдорда яратилганлигининг ўзи инсоният руъиятига жиддий салбий таъсир ўтказди. Психиатрлар, психологлар фикрича невроз касалликлари йил сайин ортиб бормоқда. Бунинг асосий сабабларидан бири – ядро уруши хавфи, ядро қуролларининг йил сайин кўпайишидир. Невроз хасталиги кўринишларидан бири – «Сурвайвелистлар» ҳаракатидир. Бу ҳаракат иштирокчилари ядро зиддияти даврида якка ҳолда бухрондан чиқиш учун уринадилар. Бунинг учун камсонли аҳоли пунктларида фалокат юз берганда сақланиш учун махсус ертўлалар қуриш, якка ёки катта-кичик гуруҳлар учун озиқ-овқат тўплаш ва ҳаёт учун зарур бўлган бошқа воситалар ʔамлаш ишлари бажарилади.

3. Ижтимоий экология – бу янги фан бўлиб, экология ва социология фанларининг қўшилишидан ҳосил бўлган. Аввало, «экология» нима? саволига жавоб берайлик. “Экология” сўзини биринчи бўлиб немис олими Эрнст Геккелп 1866 йилда ёзган «Табиатнинг келиб чиқиш тарихи» китобида ишлатган. “Экология” атамаси ҳозирги вақтда атроф-муҳит билан боълик муаммоларни тадқиқ қилишда қўлланади. «Экология» грекча сўз бўлиб, «ойкос» - «уй» маносини билдиради. Сўзнинг дастлабки бу маноси секин-аста кенгайиб, ҳозирги пайтда тирик мавжудотнинг яшаш муҳитига бўлган муносабатларини, уларнинг ўзаро таъсирини ўрганувчи фан сифатида тушуниладиган бўлди.

Ижтимоий экология алоҳида фан сифатида 60-йилларда пайдо бўлди. 1970 йилда Варнада ўтказилган Бутун дунё ижтимоий экология Конгрессида Халқаро Социологик Ассоциация Қўмитаси тузилди. Унинг асосий мақсади куйидаги саволларга жавоб ахтаришдан иборат: жамият тараққиёти учун

қандай табиат зарур? Ва яхши, экологик соф табиат, ундаги экологик муносабатларни сақлаш учун қандай жамият зарур? Ижтимоий экология «жамият-табиат» тизимида ўзаро боғлиқ асосий қонуниятларни белгилаши ва бу қонуниятларга хос элементлар, оптимал ҳаракат моделларини аниқлаши лозим. Шу тарзда, ижтимоий экология ҳозирги замон жамиятининг глобал муаммоларини ҳал қилишга ўз ҳиссасини қўшиши мумкин.

### **Таянч иборалар:**

Глобаллашув, глобал муаммо, ахборотлашув, маънавий таҳдид, ахборот хавфсизлиги, мафкуравий тажовуз, тараққиёт, ижтимоий экология

### **Мустаҳкамлаш учун саволлар:**

1. “Глобаллашув” нима?
2. Глобаллашувнинг салбий жихатлари?
3. Глобаллашувнинг ижобий жихатлари?
4. Ахборот хавфсизлиги нима?
5. Мафкуравий тажовуз тушунчаси.
6. Ижтимоий экологиянинг моҳияти ва ўрганиш соҳаси нимадан иборат?
7. Ижтимоий башоратнинг моҳияти нима?
8. Ижтимоий башорат қилишнинг усуллари қандай?

### **Адабиётлар:**

1. Ислом Каримов. Озод ва обод Ватан, эркин ва фаровон ҳаёт-пировард мақсадимиз. Т.«Ўзбекистон», 2000 й.
2. Баркамол авлод - Ўзбекистон тараққиётининг пойдевори. Т. «Шарқ», 1997 йил.
3. А.Холбеков ва бошқ. Социология. Луғат. Т. Ибн Сино нашриёти 1999й.
4. Э.Гидденс. Социология. Ўқув Қўлланма. Т. «Шарқ», 2002 й.
5. Социология. Маърузалар матни, Т.2000 й.

6. Н.Алиқориев. Умумий социология Т.ТошДУ, 2002й.
7. М.Бекмуродов ва бошқ. Социология. Маърузалар матни. Т. 2000 й.
8. Д.Маркович. Социальная экология. М., 1996.

### Глоссарий

**Адаптация** (лот. “**adaptatio**” – мослаштириш) – инсоннинг янги фаолият шароитларига, маълум бир ижтимоий гуруҳлардаги муносабатлар тизимига мослашуви.

**Анкета** (фран. “**enquete**”) – ўз мазмун ва шаклига кўра тартибланган саволлар ва мулоҳазалар баён қилинган сўров варақаси.

**Аномия** – бу тушунча социологияга Дюркгейм томонидан киритилган. У ижтимоий меъёрлар индивид хулқ-атворини белгилай олмайдиган вазиятни англатади.

**Бошқарув** – ташкилот махсус органининг функцияси бўлиб, энг кам воситалар (вақт, куч, захиралар) сарфлаб, энг юқори натижага эришиш бўйича аниқ ташкил этилган фаолият.

**Бўш вақт** – инсон, ижтимоий гуруҳ ва умуман жамиятда зарурий равишда сарфланадиган вақт захираларидан ортиб қоладиган, яъни иш вақтидан ташқаридаги вақт қисми.

**Гипотеза** – илмий тахмин, башорат. Социологик тадқиқотлар ўтказишдан олдин бўлажак натижаларнинг қандай бўлишини эмпирик текшириш учун қилинувчи илмий тахмин.

**Гуруҳий бирдамлик** – шахслараро алоқаларнинг гуруҳ ҳаётий фаолиятининг ворисийлигини ва барқарорлигини таъминлашга хизмат қилувчи мустаҳкамлиги.

**Дюркгейм Эмиль** (1858-1917) – француз социологи ва файласуфи, француз социологик мактаби асосчиси. Социологиянинг мустақил фан бўлишидаги умумий шароитлар деганда Дюркгейм алоҳида предмет ва унга мос услубнинг мавжудлигини тушунган. Бундай предмет алоҳида мавжудлик бўлиб, у билан ҳозиргача мавжуд бўлган бирорта фан шуғулланмаган. Бундай борлиқнинг асосини борлиқнинг иқтисодий, психологик, жисмоний ва ҳоказо фактларга боғланмаган ижтимоий фактлар ташкил этади ва улар бир қанча мустақил хусусиятларга эга.

**Девиянт хулқ-атвор** (лот. “**deviatio**” – оғиш) – ижтимоий нормативлар ва меъёрлардан оғиб кетувчи хатти-ҳаракат.

**Жамият** – инсонларнинг барча ўзаро ҳаракатлари, услублари ва бир-биридан ҳар томоилама боғлиқлиги ифодаланадиган бирлашмаларнинг йиғиндиси..

**Жамоа** – умумий доимий яшаш жойига эга бўлган, кундалик ҳаётларида бир-бирига боғлиқ бўлган ва умумий иқтисодий ҳамда ижтимоий эҳтиёжларни қондириш учун фаолият кўрсатувчи инсонлар мажмуаси.

**Ижтимоий мақом (статус)** (лот “**statis**” - ҳолат) – индивиднинг ижтимоий муносабатлар тизимидаги ҳолати, аҳволи. Ижтимоий мақом – индивид, гуруҳ ва ижтимоий институтнинг ижтимоий муносабатлар тизимидаги маълум меъёрлар мажмуаси билан мустаҳкамланиб қўйилган нисбий ҳолати ҳамдир.

**Ижтимоий жараён** - индивид, ижтимоий институтлар, гуруҳларнинг ижтимоий ҳолати ёки турмуш тарзининг ўзгариши йўналишини ифодаловчи барқарор ҳаракатлар, ўзгаришлар, хатти-ҳаракатлари ҳолатларининг мажмуаси.

**Ижтимоий инфраструктура** ( лот. “**infra**” - тагида ва “**struktura**”- тузилма) – ижтимоий ҳаётнинг барча соҳаларида, шу жумладан, ижтимоий-маиший соҳада инсон ҳаёти ва фаолиятини оқилона ташкил этишни таъминловчи моддий элементларнинг мустаҳкам мажмуаси.

**Ижтимоий мослашув (адаптация)** – шахс ёки гуруҳнинг ижтимоий муҳит билан ўзаро муносабати тури. Ижтимоий мослашув индивид ёки гуруҳнинг ўзи учун янга бўлган ижтимоий муҳитни ўзлаштириш жараёнида намоён бўлади.

**Маданият** (лот. “**cultura**” – қайта ишлаш) – инсон жамияти яратган ва жамият ривожининг маълум даражасини ифодаловчи моддий ва маънавий маҳсулотлар, қадриятлар мажмуи.

**Оммавий маданият** – оммавий истеъмолга мўлжаллаб маданий кадриятларни ишлаб чиқиш бўлиб, у индустриал жамиятларга хосдир. Оммавий маданият барча одамларга қаратилган бўлиб, муттасил равишда кундалик ҳаёт учун ишлаб чиқилади ва у оммавий алоқа ва муомала воситалари фаолиятида ёрқин намоён бўлади.

**Социология** (лот. “*societas*” – жамият ва юнон. “*logos*”- таълимот) – яхлит тизим сифатидаги жамият ва алоҳида ижтимоий институтлар, ижтимоий гуруҳлар, жамият тузилмалари ва уларда юз берадиган ижтимоий жараёнларни ўрганувчи фан.

**Статистика** – ижтимоий воқеа ва ходисаларнинг микдорий жиҳатларини махсус ўрганувчи фан.

**Стратификация** – жамиятнинг тузилмаси ва алоҳида қатламларини, ижтимоий табақаланиш белгилари тизимини, ифодаловчи социологик тушунча.

**Шахс** – одамнинг ижтимоий хусусиятларининг яхлит мажмуи бўлиб, ижтимоий тараққиёт ва индивиднинг фаол хатти-ҳаракати ҳамда муомаласи воситасида ижтимоий муносабатлар тизимида қўшилишининг маҳсули ҳисобланади. Шахс тушунчаси ижтимоий муносабатлар ва онгли фаолият субъекти сифатидаги индивидни ҳам ифодалайди.

**Эксперимент** – тадқиқот усули, унда ўзгарувчанлик тўла ва мунтазам назорат остида тадқиқотчи томонидан яратилган сунъий шароитда ёки табиий ҳолатда ўрганилади.

## Мундарижа:

Кириш .....	
1-мавзу: Социология фан сифатида .....	
2-мавзу: Жамият социал структураси ва стратификацион жараёнлар.....	
3-мавзу: Шахс социологияси ва девиант хулқ-атвор .....	
4-мавзу: Дин ва маданият социологияси .....	
5-мавзу: Оила ва никоҳ социологияси .....	
6- мавзу: Шаҳар ва қишлоқ социологияси .....	
7-мавзу: Меҳнат ва иқтисод социологияси .....	
8-мавзу: Эмпирик социологик тадқиқот ва унинг методлари .....	
9-мавзу: Глобаллашув ва ижтимоий тарққиёт социологияси .....	

